

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

УДК:

**Джалолов Достон Фарходовичнинг**

5A230102- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги  
бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА  
ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ**

**Иш куриб чиқилди ва химояга**

**куйилди.**

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент**

**Иқтисодиёт кафедраси мудири**

**Ш.М.Хусанова**

**\_\_\_\_\_ Султонов Ш.А.**

## МУНДАРИЖА

	<b>Кириш.....</b>	
<b>I боб</b>	<b>Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишнинг назарий масалалари.....</b>	
1.1.	Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигининг назарий асослари.....	
1.2.	Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ўрни .....	
1.3.	Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда чет эл тажрибалари.....	
<b>II боб.</b>	<b>Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигининг ҳолати ва кўрсаткичлар таҳлили.....</b>	
2.1.	Самарқанд вилоятининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тасвифи.....	
2.2.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари	
2.3.	Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий ҳолати ва кўрсаткичлар таҳлили.....	
<b>III боб.</b>	<b>Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишнинг асосий ўналишлари .....</b>	
3.1.	Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг тасвиfi.....	
3.2.	Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишининг объектив зуурлиги	
	<b>Холоса.....</b>	
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	
	<b>Иловалар.....</b>	

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш мақсадида охирги икки ярим йилда Президентнинг элликдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа қўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди.

Барча ҳудудларда тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиб, ҳал этишга қўмаклашадиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 200 миллиард сўм ва 50 миллион доллар маблағ ажратилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ошиши” долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Бундай амалий чоралар ўз натижасини бермоқда. Кичик бизнес мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 60 фоизини, саноат маҳсулотлари ҳажмининг учдан бирини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 98 фоизини, инвестицияларнинг ярмини таъминламоқда. Самарқанд вилоятида экспортнинг 70-90 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга тўғри келади. Жорий йилнинг 6 ойида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сони 60 мингтага ортган.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим масалалардан биридир.

Хусусан, мулкчиликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб эътироф этилаётган хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини оширишнинг истиқболини белгилаш, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва шу соҳада илмий жихатдан асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ўта муҳимдир. Чунки бозор муносабатларини такомиллаштиришда, иқтисодиётни янада эркинлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унинг натижасида мамлакат бюджети барқарорлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишга эришилмоқда. Мазкур соҳани ривожлантириш учун маълум шартшароитларнинг яратилиши, солик, божхона ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзларнинг белгиланиши, банк кредитларидан самарали фойдаланиш натижасида қисқа давр ичida кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони тобора ошиб бормоқда. Лекин, бу борада айрим муаммолар мавжуд. Бунинг асосий сабаби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг бугунги кун талабига мос иқтисодий механизмининг яратилмаганлиги, улар фаолиятида иқтисодий воситалардан фойдаланиш, хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан иқтисодий алоқалари ва давлат ҳокимият органлари билан муносабатларининг такомиллашмаганлигидир. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар, хусусан уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларининг ҳамон ўз ечимини топмаганлиги ҳам ушбу мавзуни танлашга асос бўлди.

2020 йилнинг “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши ҳам ушбу мавзунинг ўта долзарблигидан дарак беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини баҳолаш мезонларига бағишлиланган қатор

илмий ишлари мавжуд. Тадбиркорлик фаолиятининг назарий асослари ва ижтимоий аҳамияти А.Смит, Ж.Б.Сей, Дж.М.Кейнс, Й.Шумпетер, А.В.Чаянов<sup>1</sup>, К.А.Раицкий<sup>2</sup>, И.А.Журавлева<sup>3</sup>, А.П.Киселев<sup>4</sup> каби иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик назариясини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Мустақилликдан кейинги йилларда мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам ушбу мавзу бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилди. Хусусан С.С.Ғуломов<sup>5</sup>, Ё.Абдуллаев<sup>6</sup>, М.С.Қосимова<sup>7</sup>, Б.Ходиев<sup>8</sup>, А.Абдуллаев<sup>9</sup>, Д.Суюнов<sup>10</sup>, М.Қ.Пардаев<sup>11</sup>, С.К.Салаев<sup>12</sup>, Б.А.Абдукаримов<sup>13</sup>, Г.С.Севликянц ва Э.Н.Хаджаев<sup>14</sup> кабиларнинг бу борада олиб борган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бироқ, илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатдики, хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқот ишнинг мақсади** – Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот ишнинг вазифалари** - Ишнинг мақсадидан келиб чиқкан ҳолда қуидаги вазифалар белгилаб олинди:

---

<sup>1</sup> Карап: Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: “Соц.экгиз”, 1962. - 332 с.; Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. –М.: “Прогресс”, 1948. - 240 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: “Мысль”, 1982.-159 с.; А.В.Чаянов. О размере семьи и крестьянского домохозяйства. // Вестник статистики. 1991, №7,- 47 с.

<sup>2</sup> Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник.- М.: ИВЦ “Маркетинг”. 2003. - 683 с.

<sup>3</sup> Журавлева И.А. Основные направления развития малого бизнеса в сфере услуг и их экономическое обоснование, Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Белгород-2005.

<sup>4</sup> Киселев А.П. Теория и практика современного бизнеса. – “Либра”, 1995. - 246 с.

<sup>5</sup> Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашариёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. - 365 б.

<sup>6</sup> Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол ва 100 жавоб (1-кисм), Т.-“Мехнат”, 2000.- 347 б.

<sup>7</sup> Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т: “Ўқитувчи”, 2003. - 239 б.

<sup>8</sup> Ходиев Б., Беркинов Б., Кравченко А. Бизнес кийматини баҳолаш. Т: “Иқтисод-молия” 2007.- 254 б.

<sup>9</sup> Абдуллаев А., Сотвoldиев А.. Ўрнбоен И, Абдуллаев С. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. – Т: “Фан ва технология”, 2005. - 243 б., Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. – Т.: “Молия” 2003. - 191 б.

<sup>10</sup> Суюнов Д.Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т., ТДИУ, 2004. - 23 б.

<sup>11</sup> Пардаев М.Қ., Истроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари, (Монография), Т: “Фан ва технология”, 2007. - 163 б.

<sup>12</sup> Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиши тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ 2008. - 49 б.

<sup>13</sup> Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. – Т.: “Фан ва технология”, 2007. - 386 б.

<sup>14</sup> Севликянц Г.С., Ходжаев Э.Н. Предпринимательство в Республике Узбекистан.-Т.: изд. Народного наследия им. А.Кадыри МГП “Ижод”, 1993. - 159 с.

- Самарқанд вилоятининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тавсифи ёритиб бериш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ўрни;
- хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари;
- Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий ҳолати ва кўрсаткичлар таҳлили.

**Тадқиқот ишининг обьекти** – Самарқанд вилоятидаги хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети.** Самарқанд вилоятидаги хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

**Тадқиқотда қўлланилган усуллар.** Тадқиқот жараёнида таққослаш, гурухлаш ва иқтисодий статистик усулларидан кенг фойдаланилди.

#### **Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотда Самарқанд вилоятидаги хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар хамда тадқиқот жараёнида олинган натижалар миллий иқтисодиётнинг янада ривожланишига хизмат қиласи.

**Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

- хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ўрни;
- Самарқанд вилоятининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тавсифи;

- Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий ҳолати ва кўрсаткичлар таҳлили;
- хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини ошириш йўллари.

**Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилганлиги.** Магистрлик диссертациясида илгари сурилган илмий ва амалий таклифлар Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини оширишга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқишида қўлланилиши мумкин. Шунингдек иқтисодиёт таълим йўналишидаги бакалавриат ҳамда магистратура талабаларига иқтисодий ижтимоий самарадорлигини ошириш йўллари билан боғлиқ масалаларни ўргатишида қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг айримлари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида 2019 йилнинг март-апрел ойларида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманларида тақдим этилди.

**Тадқиқот ишнинг ҳажми.** Диссертация иши кириш, З та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат иборат.

## **I-Боб. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

### **1.1. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигининг назарий асослари**

Бугунги кунда республикамиз ижтимоий-иктисодий ҳаётида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнлари хизмат кўрсатиш соҳасининг янада ривожланишини таъминлашга қаратилган. Ушбу соҳанинг улуши ялпи ички маҳсулотда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида, давлат бюджетига тўланадиган соликларда, янги иш ўринларини яратиш, мамлакатимиз ички бозорини истеъмол моллари билан тўлдиришда кескин ошиб бормоқда ва келажакда ҳам бу жараённинг давом этишига қаратилган юридик-меъёрий асос яратилган.

Бугунги кун иқтисодий адабиётлар ва юридик-меъёрий хужжатларда “Тадбиркорлик”, “Тадбиркор”, “Бизнес”, “Бизнесмен” каби тушунчалар кенг қўлланила бошланди. Уларнинг мазмуни ва моҳиятини англаш маълум маънода кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида тасаввурни шакллантиради.

“Тадбиркорлик” тушунчаси энциклопедик луғатда “тадбиркорлик – (ингл. enterprise) шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқороларнинг мустақил фаолияти. Бу фаолият ўз номидан, ўз мулкий масъулияти ва жавобгарлиги, шахснинг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Тадбиркор қонун томонидан таъқиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан, воситачилик, сотиш – сотиб олиш, маслаҳат бериш, қимматбаҳо қоғозлар билан иш олиб бориш кабилар билан шуғулланиш мумкин” деб таърифланган<sup>15</sup>.

Бошқача сўз билан айтганда, тадбиркорлик – иқтисодиётнинг инсон омили, унинг интеллектуал фаолияти орқали фуқоро ёки фуқороларнинг

---

<sup>15</sup> Энциклопедический словарь предпринимателя. Составители: Синелькинов С.М. и др. – Спб: “Алга фонд”, “АЯКС”, 1992. –Б. 137-138.

ўз мақсадларига эришиш учун хўжалик юритиш фаолияти ёки фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти натижалари хусусий мулк ва мулкчилик муносабатларининг шаклланиши билан юзага келиб, кейинчалик тараққий этган бўлса-да, унинг том маънодаги моҳияти замонавий бизнеснинг қарор топишида, иқтисодий эркинлик асосида тадбиркорлик олиб борилишида яққол ифодаланади.

Тадбиркорлик ўз ичига ижтимоий муносабатларни қамраб олган ижтимоий-иктисодий ҳодисадир. Унда хуқуқий, руҳий, ташкилий, иқтисодий ва тарихий томонлар мавжуд. Тадбиркорликни ривожлантиришда улуғ аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ўлмас асарлар бизга бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Ўрта Осиёда иқтисодий фикрларнинг шаклланиши буюк мутаффакирлар Фаробий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур ва бошқаларнинг номи билан узвий боғлиқ. Улар ўз асарларида иқтисодиётни, шу жумладан тадбиркорликнинг жамиятдаги ўрнига жуда катта эътибор беришган. Тадбиркорлик – ишбилармонликнинг энг гуллаган даври Амир Темур (1336 -1405 йиллар) номи билан бевосита боғлиқдир. “Темур тузуклари”да<sup>16</sup> “тижорат аҳилларини” жамиятни бошқариш устунларидан бири деб таърифлаб, ўзи бошқарган катта давлатда тадбиркор ва ишбилармонлар учун барча шарт-шароитлар яратилиб ҳукumat томонидан ҳимоя қилинган. Имтиёзлар берилиб, тадбиркор ва ишбилармонлар тақдирлангани баён қилинган. Амир Темур садоқатли ва ташаббускор ходимларни қадрлаган. Давлатни бошқаришда Амир Темурнинг тадбиркорлиги мана қарийб етти асрdirки дунёга андоза бўлиб келмоқда. “Мен тажрибамдан шуни билдимки, - деб ёзади Амир Темур ўз тузукларида - юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан”<sup>17</sup>. Буюк бобокалонимизнинг ушбу ўгитлари тадбиркор ва ишбилармонлар

<sup>16</sup> Темур тузуклари. – Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти., 1996. -Б.11.

<sup>17</sup> Темур тузуклари. – Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти., 1996. -Б. 29.

учун дастурдир. Яна қанчалаб йўл-йўриқ, кўрсатмалар борки, буларнинг ҳаммаси тадбиркорлик фаолияти учун жуда муҳим.

Мазмун-моҳияти бўйича унумли фаолиятни англатадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Аксарият иқтисодчи олимларнинг қарашларида ушбу тушунчаларнинг моҳиятини ифодалашда қўйидаги таърифларни учратиш мумкин:

- 1725 й. *Ричард Кантільон*: тадбиркор – таваккалчилик билан иш олиб борувчи киши.
- 1767 й. *Ж.Б. Сей*: “Сиёсий иқтисод рисоласи” китобида (1803 й.) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган.
- 1797 й. *Бодо*: тадбиркор – бажарилаётган иш учун масъул бўлган киши. Корхонага эга бўлиш, унинг ишини режалаштирувчи, назорат қилувчи ташкиллаштирувчи шахс.
- 1876 й. *Френсис Уокер*: капитал тавсия қилиб, унинг эвазига фоиз олувчилар ва ўзининг ташкилотчилик қобилияти билан фойда кўрувчилар фарқини билиш лозим.
- 1924 й. *Йозеф Шумпетер*: тадбиркор – янги технологияларни яратувчи киши.
- 1961 й. *Дэвид Маклелланд*: тадбиркор – меъёрий таваккалчилик шароитида ҳаракат қилувчи серғайрат киши.
- 1964 й. *Питер Друкер*: тадбиркор – ҳар бир имкониятдан ўзи учун юқори даромад олувчи шахс.
- 1975 й. *Альберт Шапиро*: тадбиркор – ташаббускор, ижтимоий-иқтисодий механизmlарни ҳаракатга келтирувчи шахс. Таваккалчилик шароитида ҳаракат қилиб, у барча масъулиятни ўз зиммасига олади.
- 1985 й. *Роберт Хизрич*: тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган бирор бир янги нарсани яратиш жараёнидир, тадбиркор эса шу нарсага керакли вакт ва кучларни сарфлаб, барча молиявий, психологик ва

ижтимоий таваккални ўз зиммасига олувчи, эвазига эса пул ва маънавий қониқиши оладиган киши<sup>18</sup>.

Тадбиркорлик терминини биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантильон қўллаган эди. Унинг фикрича, ишбилармон таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боис у ер ва меҳнатни иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган.

Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767- 1832) Англия саноатининг муваффақиятини “инглиз тадбиркорлари истеъдоди” таъминлаганлигини таъкидлаган. Ж.Б.Сейнинг асосий тезисида маҳсулот ишлаб чиқаришда тадбиркорлар асосий фаолият кўрсатади дейилади.

Бизнинг фикримизча, Ж.Б.Сэйнинг нуқтаи назари муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. У ўзининг машҳур бўлган “Сиёсий иқтисодиёт талқини (шарҳи)” китобида тадбиркорни “ўз ҳисобидан рискли шароитда ўз фойдасига қандайдир маҳсулот етиштирувчи шахс” сифатида таърифлайди.

Ж.Б.Сэйнинг фикрича, тадбиркор функциясига ишлаб чиқариш омилларини бирлаштириш (капитал ва меҳнат), ахборотларни йигиш ва зарурий тажриба тўплаш, ташкилотдаги ишлаб чиқариш жараёнларида қарорлар қабул қилиш кабилар киради. Р.Кантильондан фарқли равища Сэй ижодий, экспериментал, рискли характерлар билан кузатилувчи ишлаб чиқариш омилларини мувофиқлаштирувчиси ва бошқарувчиси сифатидаги таърифни илгари сурди.

Ишлаб чиқариш омилларини мувофиқлаштирувчиси ва бошқарувчиси сифатига қараб Ж.Б.Сэй тадбиркор ва оддий бошқарувчи функцияларини ажратиб кўрсатди. Шу билан бирга, у тадбиркорнинг фойдаси икки қисмдан иборатлигини қайд этди, яъни саноатдан келувчи фойда ва капиталдан олинувчи фойда.

---

<sup>18</sup> М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдинова. Кичик бизнесни бошқариш. “Ўқитувчи” нашриёти, 2003. -Б. 17.

У мулкдор – капиталист ва тадбиркорни ажратиб кўрсатмади. Энг асосийси, хусусий мулкдор билан тадбиркорлик функциясини, ҳатто, улар битта шахс бўлса ҳам фарқлаш мушкуллигини кўрмади.

Америкалик иқтисодчи Ж.Б.Кларк (1847-1938) Ж.Б.Сейнинг “учлик формуласи”га бироз ўзгартириш киритди. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришда доим қўйидаги тўрт омил иштирок этади: 1) капитал; 2) капитал маблағлари – ишлаб чиқариш воситалари ва ер; 3) тадбиркор фаолияти; 4) ишчининг меҳнати<sup>19</sup>.

Ҳар бир омил ишлаб чиқаришдан олинаётган ўзига хос фойдани акс эттиради: капиталдан капиталист қўшимча фоиз олади; қўчмас капитал рента беради; капиталистнинг ишбилармонлик фаолияти даромад келтиради; ишчининг меҳнати уни маош билан таъминлайди.

Ж.Б.Кларк таърифига кўра, “Эркин рақобат меҳнатга меҳнатдан келган нарсани беради, капиталистларга капитал яратган нарса тегади, тадбиркорлар мувофиқлаштириш фаолиятидан келган нарсани олади”<sup>20</sup>.

Тадбиркорлар фаолияти дастлаб илмий-тадқиқот ишларининг таҳлил обьекти бўлмаган. Инглиз иқтисодчи олимлари А.Смит (1723-1790) ва Д. Рикардо (1772-1823) иқтисодиётни ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи механизм деб қабул қилганлар. Ушбу механизмда ижодий тадбиркорликка ўрин йўқ эди. “Халқлар бойлигининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш” (1776) китобида А.Смит тадбиркор таърифига эътибор қаратган. Унинг фикрича, тадбиркор – капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Тадбиркорликдан олинган даромад, А.Смит фикрича, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофот. Тадбиркор ишлаб чиқаришни ўзи режалаштиради, ташкил этади, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига эгалик қиласи. Шу боис А.Смит бозор тизимишининг марказий механизимини

<sup>19</sup> М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдинова. Кичик бизнесни бошқариш – Т.: “Ўқитувчи” 2003. -Б. 6.

<sup>20</sup> С.Ғуломов умумий таҳрири остида. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, ривожлантириш, бошқариш. “Фан ва технология” нашриёти, 2005. -Б. 7.

рақобат механизми деб тушунган. Ўз манфаатини кўзлаб юрган ҳар бир киши бозорда шу мақсад билан юрган кишиларга дуч келади. Натижада, бозорда ҳаракат қилувчи ҳар бир субъект рақобатчи таклиф қилган нархларга рози бўлади. Бундай рақобатда ўхшаш товарларга меъёрдан ортиқ нарх қўйган ишлаб чиқарувчи харидорни йўқотиши ҳеч гап эмас.

А.Смитнинг қайд қилишича, тадбиркор жамият сотиб олишни ҳоҳлаган ва керакли миқдордаги товарларни ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, А.Смит бозорнинг қудратли куч эканлигини, у жамиятни керак бўлган товарлар билан доимо таъминлашини ва бу тизим ўз-ўзини мувофиқлаштиришини кўрсатиб берган. А.Смит рақобат ва даромад ишларига давлатнинг аралashiшига қарши бўлган. Унинг фикрича, ўз-ўзига қўйиб берилган бозор тизими ривожланади ва бундай тизими бор халқнинг бойлиги ортаверади<sup>21</sup>.

Бу борада вужудга келган иқтисодиёт назариясидаги янги йўналиш, асосчиси бўлган Кейнс Джон Мейнорд (1883-1946) назариясига қисман тўхталиб ўтамиз. Унинг фикрича, иқтисодиёт назариясида иккита оқим – “тартибга солинувчи иқтисодиёт” ва “эркин тадбиркорлик” мавжуд бўлган. Д.М.Кейнс биринчи оқимнинг асосчиси ҳисобланади. Унинг назарияси “Общая теория занятности, процента и денег”, (М., 1978) асарида батафсил баён этилган.

Кўп миқдордаги ишсизлик шароитида Ж.М.Кейнс иқтисодий назарияга ўзгартириш киритиш лозимлигини асослаган<sup>22</sup>. У ўз назариясининг асосига иккита вазифани қўйган, яъни қандай қилиб оммавий ишсизлик ва иқтисодий инқирознинг олдини олиш мумкин?

Унинг назарияси асосида ўша давр шароитида асосан хусусий шахслар қарорига асосланадиган масалаларни марказлашган назоратга олиш асосий ҳаётий заруриятга айланди деган фикр ётади. Ж.М.Кейнс фикрича, давлат ўзининг раҳбарлик таъсирини инсонларнинг истеъмолга бўлган ёндашувини фоизлар нормаси, солиқлар ва бошқа усуllар билан

<sup>21</sup> М.С.Қосимова, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдинова. Кичик бизнесни бошқариш. “Ўқитувчи” нашриёти, 2003. -Б. 6.

<sup>22</sup> История экономических учений. М., “Высшая школа”, 1983. -С. 403-424.

тартибга солиши зарур. Иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида давлат иқтисодиётни тартибга солиб туриши, уни режалаштириши керак деб таъкидлайди.

Тадбиркор сўзининг моҳиятини ёритиб беришда академик С. Гуломов “тадбиркор – ўзининг маълум бир микдордаги молиявий маблағини тавваккал қилган ҳолда бозорга янги ғоя, маҳсулот, иш ва хизматлар билан кириб борувчи ишбилиармон шахсдир”<sup>23</sup> деб таъриф беради.

Бошқа бир адабиётларда тадбиркорлик – бизнеснинг динамик ёки фаол элементи, хўжалик юритиш шакли. Тадбиркорлик – фуқорони ёки фуқороларнинг мустақил, ташаббусли фаолияти бўлиб, ушбу фаолиятни улар фойда олиш мақсадида ўзининг таваккалчилиги ва моддий жавобгарлиги асосида амалга оширади.

Тадбиркорлик – фуқорони ёки фуқороларнинг мустақил, ташаббусли, янги ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фаолияти бўлиб, ушбу фаолиятни улар фойда олиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишни мақсад қилиб, ўзининг тавваккалчилиги ва моддий ҳамда маънавий жавобгарлиги асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конуннинг З - моддасига мувофиқ тадбиркорлик дейилганда, тадбиркорлик фаолияти томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият тушунилади.

Тадбиркорлик объекти деганда, аввало маълум бир фаолиятни юритишга имконият яратадиган корхонани тушуниш лозим. Улар: ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлик; хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик; савдо-сотиқ тадбиркорлиги; молия соҳасидаги тадбиркорлик.

Тадбиркорлик ишлаб чиқилган товар (кўрсатилган хизмат)лар ва шунга яраша даромадда моддийлашади. Даромад тадбиркорлик фаолиятини

<sup>23</sup> С.Гуломов умумий таҳрири остида. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, ривожлантириш, бошқариш. “Фан ва технология” нашриёти, 2005.-Б. 7.

баҳолайдиган асосий мезон ҳисобланиб, у фаолиятнинг барча омилларидан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Тадбиркорлик бошида маълум бир соҳа фаолият кўрсатиш имконини белгилаш учун керак бўлса, сўнгра бундай ресурсларнинг янги муносабатлари тадбиркор учун ўта зарур бўлиб қолади. Кўриниб турибдики, реал ҳолатда тадбиркорликнинг объектида ресурслар комбинацияси амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида фикр юритиш борасида “хизмат”, “сервис” ибораларининг мазмунини ёритишга тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ўтган асрнинг 70 йилларидан бошлаб ривожланган мамлакатларда сервис иқтисодиётининг қарор топиб бориши ва унинг ривожланиш тенденцияларига иқтисодчи олимлар катта эътибор берга бошладилар. Иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг ривожланиб бориши билан унинг самарадорлигини баҳолашдаги ёндашувлар ҳам нафақат ўзгариб борди, балки хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлигини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этди.

Ҳозирги вақтда кўпгина иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш фаолиятининг ижтимоий-иктисодий моҳияти бўйича турли қарашлар мавжуд. Масалан, Г.А.Аванесованинг фикрича, “хизмат кўрсатиш фаолияти – бу индивидуал, груп ва ижтимоий хизматларни реализация қилиш бўйича кишиларнинг ўзаро ҳаракатларидир”<sup>24</sup>. Ўзаро ҳаракатдаги инсонларнинг бир қисми ўзларининг кўплаб эҳтиёжларини моддий неъматлар олиш асосида, бошқалари эса аниқ хизматлардан фойдаланиш орқали қондирадилар.

Бундай муносабатлардан асосий мақсад – моддий неъматлар яратиш эмас, балки инсонларнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш ҳисобланади. Гарчи хизмат кўрсатиш фаолияти буюмларда (моддий неъматларда) мужассамланса ҳам, у бевосита меҳнат жараёнида истеъмол қилинган фойдали меҳнат самараси ҳисобланади.

---

<sup>24</sup> Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: историческая и современная практика, препринимательство менежмент (учеб – пасатия). М – Аспект – Пресс. 2005. -С. 63.

Ж.А.Романов хизмат кўрсатиш фаолиятига хизматлар кўрсатиш йўли билан инсонларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолият<sup>25</sup> деб таъриф беради. Аммо шуни таъкидлашимиз керакки, сервис фаолиятини амалга ошириш жараёнида нафақат аниқ бир инсоннинг эҳтиёжлари, балки ташкилотлар ҳамда жамият эҳтиёжлари ҳам қондирилади.

Агар юқоридаги тарифларни таҳлил қиласак, хизмат кўрсатиш фаолиятига бир мунча тўлиқроқ таърифни В.К.Романов берган. Унинг фикрича, хизмат кўрсатиш фаолияти хизмат кўрсатиш асосида мижозлар, яъни алоҳида шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва ташкилотлар эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган фаолият туридир<sup>26</sup>. Бунда муаллиф томонидан хизмат кўрсатишнинг турли шаклларини ўз ичига олувчи инсон фаолиятининг қуидаги тўртта асосий шакллари қараб чиқилади<sup>27</sup>:

1. Моддий жиҳатдан қайта ишлаш фаолияти. Бу инсон томонидан табиатни, жамиятни ўзгартериш билан амалга ошади. Мазкур жараёнда хизмат кўрсатиш фаолияти ўзида инсонларнинг моддий эҳтиёжларини (таъминлаш, техник хизмат, савдо, тиббиёт, майший хизмат, умумий овқатланиш ва бошқалар) қондиришни мужассамлаштиради.

2. Интеллектуал билиш фаолияти – инсоннинг моддий эҳтиёжларини эмас, балки маънавий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолият сифатида билиш ва ахборотлар манбаига эга бўлишни талаб этади (таълим хизматлари, ахборот хизматлари).

3. Қадр-қимматни оширишга йўналтирилган фаолият. Бу реклама, экспертиза, психодиагностика, имидж хизмати, бадиий – безаш фаолияти, диний характердаги хизматлар орқали инсонларнинг қадр-қимматини оширишdir.

4. Коммуникатив фаолият. Бу алоҳида одамлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар ўртасида ўзаро муносабатларни ташкил этиш орқали амалга оширилади. Ушбу йўналишдаги хизмат кўрсатиш фаолиятларига

<sup>25</sup> Романов Ж.А. Сервисная деятельность М: Дашкови К. 2006. -С. 9.

<sup>26</sup> Романов В.К. и др. сервисная деятельность: учеб пос-Зе изд. – М.: Дашквоф и Ко. 2003. –С. 10-15.

<sup>27</sup> Уша ерда. –С. 10-15.

учрашувлар, кўргазмалар, мулокотлар, интернет орқали мулокотлар, таржимонлик хизматлари ва бошқалар киради.

В.К.Романов хизмат кўрсатиш фаолиятини қатъий тарзда бирор бир фаолият турига киритишни ёқламайди. Мазкур хизматлар реал иқтисодий хаётда ўзаро бир-бири билан алоқада ва боғлиқдир.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда хизмат кўрсатиш фаолияти бу – турли шакл ва йўналишларда хизмат кўрсатиш асосида аҳолининг, ижтимоий гуруҳ, корхона ва ташкилотларнинг моддий, ижтимоий-моддий, маърифий талаб ва эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилган якуний натижаларга эришишда истеъмолчиларнинг бевосита ёки билвосита иштирок этиши билан амалга ошириладиган фаолият.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг самарадорлиги ҳар бир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг натижаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида “самарадорлик” тушунчаси, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид бўлмаса-да, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш ўз моҳиятига кўра, режалаштирилган фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларини камайтириш, хизмат кўрсатиш ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатишнинг сифатини яхшилашни англатади.

“Самара”, “самарадорлик”, “ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчалар орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – кўрсатилаётган хизматнинг фойда ва даромад ҳажмини ошириш, хизмат таннархини, сифатсиз хизмат кўрсатишни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик субъектлари

фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда хизмат кўрсатиш (ишлаб чиқариш) самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

## **1.2. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ўрни**

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича республикада сезиларли ишлар қилинмоқда. Аҳоли иш билан бандми, демак, уларда даромад олиш ва уни ошириб бориш имконияти мавжуд. Бунинг учун мамлакатимизда барча ҳукуқий асослар ва шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида аҳоли даромадини оширишдаги мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Унда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари шарт”<sup>28</sup> дейилган.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва у орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш масаласи Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътиборида. Президентимиз 2020 йил 24 январдаги Мурожаатномасидаги маъruzасида “...2020 йилга **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”**, деб ном бериб, 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозим. Хусусан, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказишимиз зарур. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади”<sup>29</sup> деб таъкидлаган.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – Т.: 2000 й., 5-6 сон, 9-модда.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2020 й. 25 январ, -Б. 1.

Самарқанд вилоятида ҳам бу борадаги ишлар ривожланиб бормоқда. Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “**2020 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш параметрлари тўғрисида**” Қарори қабул қилинди. Бу Қарор асосида 2017-2021 йиллар учун Ҳарақатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, айниқса саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш, нодавлат таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ишчи кучига бўлган талаб изчил ошмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари учун бизнес ва инвестиция мухити қулийгини ошириш, корхоналарга солиқ юкини камайтириш, оилавий тадбиркорлик ва шахсий томорқаларни ривожлантириш бўйича яратилаётган имкониятлар натижасида жорий йилда меҳнат бозорида бир неча йиллар давомида кузатилмаган ижобий кўрсаткичлар қайд этилмоқда.

Аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва ишсизлик даражаси 2019 йил бошига нисбатан **0,4 фоизга** камайиб, жорий йил 1 октябрь ҳолатига **8,9 фоизни** ташкил этди. Расмий банд аҳоли сони 2018 йилнинг мос даврига нисбатан **5,7 фоизга ёки 308 минг** кишига ошган ва **5,7 миллион** кишига етди. Иқтисодий нофаол аҳоли сони **200 мингга** камайиб, **4,0 миллион** кишини ташкил этмоқда<sup>30</sup> деб такидлаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “**Камбағал ва ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида**” Қарори қабул қилинди. Бу Қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида камбағалликни қисқартириш энг устувор вазифалардан

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2020 й. 25 январ, -Б. 1.

бири сифатида белгилаб олинди. Ҳисоб-китобларга кўра, республика ахолисининг **12-15** фоизи ёки **4-5** миллион киши камбағаллик даражасида кун кечирмоқда”<sup>31</sup> деб такидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5953-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, камбағал ва ишсиз аҳолини, айниқса хотин-қизлар, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш, фуқароларни ўзининг ва оиласининг яшаш шароити, даромади ва билими даражасини ўзгартира олишига ишончини мустаҳкамлаш такидланган.

Олий Мажлисга қилинган 2018 йил 28 декабрдаги Мурожаатномадаги маърузада “...аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида жорий йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўтган йилларга нисбатан сезиларли равишда оширилди. Хусусан, педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнгги 10 йилда биринчи марта 50 фоизгача кўпайтирилди.

“Хар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди.

Республикада иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларни ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-куватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги рухсат бериш жараёнларининг соддалаштирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши билан боғлиқ чора-тадбирларга алоҳида эътибор

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Камбағал ва ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишига қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори.

қаратиб келинмоқда. Хусусан, 2009 йилда ҳам тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини қисқартириш ишлари давом эттирилиб, жумладан:

- архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати – 4 баробар;
- лойиҳа-смета хужжатларини экспертизадан ўтказиш – 2,5 баробар;
- кадастр хужжатларини расмийлаштириш қиймати – 2 баробарга пасайтирилган эди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлиги ошиб, аҳоли бандлигини таъминлашда сезиларли ишлар қилинмоқда. Чет эл инвестициялари, маҳаллий тижорат банклари сармоялари жалб қилиниб хизмат кўсатиши соҳасида янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари очилмоқда. Замонавий асбоб-ускуналарнинг ўрнатилиши аҳоли истеъмол маҳсулотлари сифатининг ошиши ва ички бозорнинг тўлдирилишига хизмат қилмоқда. Хизмат кўрсатиши соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши аҳоли бандлигининг ошишига олиб келмоқда. Зотан, ҳозирги даврда долзарб муаммолардан бири ҳисобланган аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишнинг энг мақбул йўли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир.

Такидлаш лозимки Самарқанд вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши мамлакатимиздагига қараганда илдамроқ суръатлар билан усиб бормоқда. Фикримизча бунинг асосий сабаби, вилоят раҳбарияти ва мутассади ташкилотларнинг ушбу соҳага бўлган эътиборларнинг кучайганлиги натижасида ушбу соҳа субъектлари сонининг ошганлиги, ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмининг кескин суръатлар билан ошишига олиб келди. Фикримизча мавжуд ҳолатни ҳар томонлама ижобий деб баҳолаш мумкин.

Республикада иш ўринларининг кўпайиши нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш ва аҳоли бандлигини оширишга, балки иқтисодиётимизни

ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ахоли бандлиги йил сайин ошиб бормоқда. Хусусан, **Самарқанд вилоятида 2019 йилда** Бандлик Бош бошқармаси, туман ва шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан меҳнат бозоридаги вазиятни юмшатиш, ишсиз ахоли қатламларини бандлигига кўмаклашиш ва ижтимоий муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги “2019 йилда ахоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича буюртмаси тўғрисида”ги ПҚ-4227-сон қарори доирасида амалга оширилган лойиҳаларда яратилган доимий иш ўринлари тўғрисида вилоят дастури тасдиқланган.

Мазкур қарорда Дастур ижросини таъминлаш юзасидан белгиланган параметрлар бўйича вазирлик, идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

Тасдиқланган дастурга кўра, 2019 йилда **39952 та** иш ўринлари ташкил этилиши белгиланган бўлиб, шундан январ-декабр ойларида (дастур бўйича январ-декабр ойларида 39952 та) амалда **45114 та** иш ўринлари ташкил этилганлиги ва дастурга нисбатан **112,9 фоизга** бажарилди.

Шундан:

Йирик лойиҳалар (хўжалик бошқарув органлари) ҳисобига **4177 та**;

Кичик лойиҳалар (маҳаллий лойиҳалар, ўз маблағи ҳисобига кредит олмасдан) ҳисобига **14039 та**;

Фаолият кўрсатмаётган, самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган обьектлар ҳисобига **3070 та**;

Бюджет маблағлари ҳисобидан ишга тушадиган ижтимоий ва бошқа обьектлари ҳисобига **709 та**;

Давлат-хусусий шерикчилик асосида ишга тушадиган ижтимоий обьектлари ҳисобига **1122 та**;

Хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига **3082 та**;

Кредит бериш ҳисобига ташкил этиладиган иш ўринлари **18915 та;**

*Шундан:*

*тижорат банклари маблағлари ҳисобидан **15447 та;***

*бандликка кўмаклашии давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан **944 та;***

*янги иши ўринлари ташкил этишини разбатлантириши ҳудудий жамғармалари маблағлари ҳисобидан **985 та;***

*фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **743 та;***

*"Yoshlar-kelajagimiz" жамғармаси маблағлари ҳисобидан **796 та** янги иши ўринлари ташкил этилган.*

Самарқанд вилоятида 2019 йилида жами аҳоли сони **3827,9** шундан Мехнат ресурслари **2122,1**, иқтисодий фаол аҳоли **1617,6**, иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли **504,4**, банд аҳоли **1468,7**, шундан; иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар **503,7**, иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар **965,0**, республикадан ташқарига ишлашга кетганлар **343,1**, ишга жойлашишга муҳтоҷ шахслар **148,8** нафар бўлиб ишсизлик даражаси

**9,2%** ташкил қиласди. 2019 йил 1 январ холатига ишга жойлашишга муҳтоҷ шахслар **157,3** нафар бўлиб **9,7%** ташкил этган, ўтган йилга нисбатан ишга муҳтоҷлар **8,5** нафарга ёки **5%га** камайган.

Жорий йилнинг январ-декабр ойларида шаҳар ва туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига **58594** нафар ишсиз фуқаролар мурожаат қиласди бўлиб, шундан **32505** нафари, (55,4%) халқ хўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштирилган.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг статистик маълумотларини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни қўрсатдики, 2018 йил мобайнида вилоятнинг туман ва шаҳарларида жами 85,7 мингта янги иш ўринлари яратилди. Бу иш ўринларининг 77,8 мингтаси қишлоқ жойларида ташкил этилди.

муаллифнинг фикрича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг даромадини оширишда қуидагиларни амалга ошириш зарур:

- вилоят аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшашини ҳамда вилоятнинг республика қишлоқ хўжалигидаги ўрнини инобатга олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мулжалланган миницехлар ташкил этиш;

- бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ўз маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдо орқали сотиш жараёнини такомиллаштириш учун рационал логистика тизимини жорий қилиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга имкон яратиш мақсадида уларга узлуксиз электр энергияси ва сув таъминоти масалаларини маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли тарзда ҳал қилишга қўмаклашиш;

- маҳаллий хомашё ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, саноат ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд бўлган туманларда чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари доирасида қўшма корхоналар ташкил этиш.

- қишлоқ туманларида, бундан аҳоли сони 5 минг кишидан қўп бўлган аҳоли пунктлари мустасно, сартарошхона хизматларини, якка тартибдаги буюртмалар бўйича кийим тикиш хизматларини, пойабзал таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни ташкил этган, шунингдек, жамоат ҳаммоларини ташкил этган якка тартибдаги тадбиркорлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқлар тўлашдан озод этилади;

- якка тартибдаги тадбиркорлар ҳар бир ёлланган ходимга тўланадиган қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилади;

- юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оиласвий тадбиркорлик субъектлари З нафаргача доимий ишчиларни ёллашга, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа

яқин қариндошларини, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган болалари ва невараларининг эр-хотинларини, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг эр-хотинларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оиласвий тадбиркорлик субъекти иштирокчилари сифатида жалб қилишга ҳақли;

- ушбу қарорнинг 6-бандига мувофиқ биринчи марта микрокредит олган якка тартибдаги тадбиркорлар уни олган санадан бошлаб 6 ой мобайнида қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади;

- якка тартибдаги тадбиркорлар 3 тоннадан ортиқ юк кўтарувчи автомобиль транспортида юкларни энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридаги ставка бўйича ташиш хизматларидан ҳар ойда олинадиган қатъий белгиланган солиқ тўлайди.

### **1.3. Хизмат қўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда чет эл тажрибалари**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қўпгина ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш давлат ёрдами воситасида таъминланди. Уларда бу соҳада жуда катта ижобий тажриба тўпланган, ундан бизнинг шароитларимиз ва хусусиятларимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини оширишда хориж тажрибаларидан фойдаланаар эканмиз, энг аввало барча ривожланган мамлакатларга хос бўлган умумий тамойилларни ҳисобга олиш зарур. Улар қўйидагича: Кўпгина ривожланган хориж мамлакатлари оёққа тураётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга маҳсус имтиёзли солиқлар жорий қиласди. Жуда кўп ривожланган мамлакатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, энг аввало унинг ҳукуқий асосларини мустаҳкамлайди, яъни қонун ва меъёрий хужжатлар қабул қилиб, ҳаётга татбиқ этади. Аксарият ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ҳимоясига олинган. Давлат

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бутун фаолиятидан воқиғ бўлиб, бошқарув тизимини тартибга солиш ва такомиллаштиришга кўмак беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар хил молиявий ёрдам кўрсатилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат дастурлари қабул қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга биринчи навбатда имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-куватловчи бирлашмалар, Кенгаш ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ривожланган мамлакатларда жамоат ташкилотлари ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий химоячиси бўлиб ҳисобланади. Йирик ташкилот ва бирлашмалар, акционерлик жамиятлари ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан ёрдамини аямайди<sup>32</sup>.

Юқорида келтирилган тажрибаларни алоҳида давлатлар мисолида кенгроқ таҳлил қилиб чиқамиз.

Бозор иқтисодиётига ўтган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда биз дунёдаги иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибаларини кўриб чиқамиз:

АҚШ ва Япония, Европа давлатларидан Англия, Германия, Франция ва Италия. Бу давлатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларига эга ҳамда бу борада улкан давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Кўриб чиқилган барча давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши 50 фоиздан ошади, уларнинг учдан бирида эса 70 фоиз атрофида.

Чет элда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўтказган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ривожланган давлатларда кичик ва ўрта корхоналар жами корхоналарнинг 80 фоизини ташкил қиласди. Масалан, АҚШда уларнинг сони 25 млнтани ташкил этиб, тармоқлар бўйича улуши қуйидагича тақсимланган: қишлоқ хўжалигига - 81,9 фоиз, қурилишда – 82,2 фоиз, улгуржи савдода – 80,6 фоиз, хизматлар

<sup>32</sup> Интернет ва оммавий ахборот воситалари материаллари асосида муаллиф тайёрлади.

соҳасида – 75,6 фоизни ташкил этади. АҚШдаги кичик корхоналарда меҳнат унумдорлиги мамлакат бўйича барча меҳнат унумдорлигининг 92 фоизини, ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 70 фоизни ташкил қиласди.

Японияда кичик бизнес (9 млн. кичик корхона) миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларидан микдор жиҳатдан устун туради. Унда 80 фоиз аҳоли банд бўлиб, меҳнат унумдорлиги йирик корхоналардаги меҳнат унумдорлигининг 67 фоизини ҳамда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 78 фоизни ташкил қиласди. Италияда 4 млн. кичик корхонанинг меҳнат унумдорлиги йирик фирмалардаги меҳнат унумдорлигининг 78 фоизини, ЯИМдаги улуши эса -73 фоизни ташкил қиласди. 90 йилларнинг бошларида АҚШда 26,15 фоиз корхона ўта майда 28,4 фоизи – майда, Японияда мос равища 49,4 фоиз ва 28 фоиз, Буюк Британияда – 26 фоиз ва 23 фоиз, Францияда 32 фоиз ва 28 фоизни ташкил қиласди, бу ерда ўта майда корхоналарга 19 нафаргача, майда корхоналарга 99 кишигача ишчи банд бўлган фирмалар киради.

Шундай қилиб, АҚШ, Буюк Британия ва Францияда майда ва ўта майда фирмалар мамлакат иқтисодиётидаги барча корхоналар микдорининг яримини ёки яримидан ортигини, Японияда 4/3 қисмини (77 фоиз) ташкил қиласди. Буюк Британия, Германия, Италиядаги кичик ва ўрта корхоналарнинг саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 60-70 фоизини ташкил қиласди. Ривожланган давлатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи ролни ўйнайди.

Европанинг кўриб чиқилаётган давлатлари бўйича кичик корхоналарда банд бўлганлар сонининг ўртacha кўрсаткичи 16 млн. кишини ташкил этади. АҚШда бу кўрсаткич ўта юқори 70,2 млн. киши ҳамда жами корхоналарнинг 99,6 фоизини ташкил қиласиган кичик ва ўрта корхоналарда барча Америка ишчиларининг 3/2 қисми меҳнат қиласди (ёки меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли ярми) ҳамда 50 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Америкада кичик корхоналар йирик фирмаларга қараганда икки маротаба кўпроқ янгиликларни ўзлаштиради ва саноатдаги инновацион

жараёнларнинг асосий генераторлари ҳисобланади. Бунга мамлакат майдони, аҳолининг сони, иқтисодий-географик жойлашуви каби факторлар имкон яратади.

Японияга ҳам бу соҳада банд бўлганларнинг ўта юқори кўрсаткичи хос. Яъни, 40 млн. киши. Умумий банд бўлганларнинг улуши 78 фоизини ташкил қиласди. Бу давлатда кичик корхоналарда банд бўлганларнинг ортишига мулкчиликнинг кичик шаклидаги тизимининг ўрта ва йирик бизнес билан ўзаро ҳамжиҳатлик алоқалари имкон берди. Англия, Германия, Франция кичик ва ўрта корхоналарда банд бўлганларнинг ялпи улуши бўйича АҚШ билан бир хил даражада, яъни 54 фоизни ташкил қиласди. Европа Иттифоқининг 12 давлатида 1990 йилдан бошлаб ноқишлоқ хўжалигида 15,8 млн. хусусий корхоналар қайд қилинди. Улардан 14,7 млн. микрокорхоналар бўлса, қарийиб 1 млн. кичик корхоналар, тахминан 70 мингидаги 100 тадан 500 ходимгача ва фақатгина 1300 ида 500 нафардан ортиқ ходим фаолият кўрсатган. Микро корхоналар ҳиссасига жами банд бўлганларнинг 31,8 фоизи, кичик корхоналарга 24,9 фоизи ва ўрта корхоналарга 15,1 фоизи тўғри келди.

Алоҳида ривожланган давлатлардаги бозор иқтисодиёти субъектларининг амал қилиши ва фуқоролик қонунларини кўриб чиқиб, кичик бизнес субъектларининг қуидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ажратиб кўрсатиш ва кичик бизнес корхоналари сафига киритишининг умумий мезонларини қайд қилиш мумкин.

Якка тартибдаги корхоналар кичик бизнеснинг янада кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Кичик тадбиркорлик субъектларига бозор иқтисодиёти субъектларини киритишда асос бўладиган умумий мезон кўрсаткичлари ходимлар сони, низом жамғармасининг миқдори, активлар миқдори, айланма ҳажми (фойда, даромад) ва ҳ.к. ҳисобланади. Умумжаҳон банки маълумотларига кўра, корхоналарни кичик тадбиркорлик субъектларига киритишдаги умумий кўрсаткичлар сони 50 тадан ортиқ. Бироқ, янада кўпроқ қўлланиладиган мезонларга қуидагилар киради: корхонада банд бўлган ходимларнинг ўртача сони, қоидага кўра бир йилда

корхона оладиган йиллик айланма ҳамда активлар миқдори. Лекин барча ривожланган давлатларда корхоналарни кичик тадбиркорлик субъекти сафига киритишдаги биринчи мезон ишловчи ходимлар сони ҳисобланади.

Япония статистикаси кичик ва ўрта корхоналар категориясига қуйидаги корхоналарни киритади: қазиб олиш ва ишлаб чиқариш саноатида, транспортда, қурилишда, алоқада ҳамда электр, газ ва сув таъминотидаги корхоналарда 300 кишидан ортиқ бўлмаган бандлар сони билан капитал миқдори 100 млн. иенгача бўлган корхоналар киради. Улгуржи савдода бандлар сони 100 кишидан ортиқ бўлмаган ва капитал миқдори 20 млн. иенгача; чакана савдо ва хизматлар соҳасида банд бўлганлар сони 50 кишидан ортиқ бўлмаган ва капитал миқдори 10 млн. иендан юқори бўлмаган корхоналар киради.

Европа ҳамжамиятидаги ўрта корхоналарга ўз фаолият натижаларида қуйидаги кўрсаткичлар даражасидан юқори бўлмаган корхоналар киради: Банд бўлган ходимлар сони 50 кишидан 250 кишигача; йиллик (савдо) айланмаси 16 млн. экюдан, баланс сўммаси 8 млн. экюдан кам бўлган корхоналар.

ЕИ даражасида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чоралари аниқланганда кичик корхоналар қаторига киритишда бошқа кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг мазкур босқичида ЕИ комиссияси томонидан фирмаларни кичик корхоналар сафига киритишнинг бошқа мезонлари ҳам таклиф этилади. Яъни, банд бўлган ходимлар сони 100 кишидан ошмаслиги керак; хусусий асосий капитал миқдори 75 экюдан кам бўлиши талаб этилади. Бунда фирманинг низом жамғармасида йирик компаниянинг улуши 3/1 қисмдан ортиб кетмаслиги керак. КЕС 10 кишигача банд бўлган микрофирмаларни (кўпгина ҳолатларда булар якка тартибдаги ва оилавий корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари) ва ходимлар сони 10 кишидан 99 кишигача тебраниб турадиган кичик фирмаларни ажратади.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи иқтисодиёти ўта юқори ривожланган давлатларда ходимлар сони 19

кишигача бўлган корхоналар “ўта кичик” фирма, 99 кишигача “кичик” фирма, 100 кишидан 499 кишигача “ўрта” фирма, 500 кишидан юқориси “йирик” фирмалар сафига киритилади.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи давлатларда барча фирмаларнинг 99 фоизи кичик ва ўрта корхоналар ҳисобланиб, иш ўринларининг манбай (бандликнинг 40 фоиздан 80 фоизигача) сифатида ЯИМнинг 30-70 фоизини таъминлайди.

Биз тадқиқ этаётган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг алоҳида аҳамиятини ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кўриб чиқамиз. АҚШда ҳар бир штат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишлари бўйича федерал маъмуриятнинг умумий тавсияларига асосланадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги шахсий қонунларига эга. Филиаллари билан биргаликда ходимлар сони 500 кишидан ортиқ бўлмаган корхоналар (ЭВМ ишлаб чиқарувчилари учун 1000 кишидан ортиқ бўлмаган) кичик корхоналарга киради. Савдо ва хизмат кўрсатишдаги кичик корхоналар учун сотишдан тушадиган максимал тушум миқдори 3,5 млн. доллар, телевизорларни таъмирлаш бўйича ательелар учун йилига 13,5 долларгacha белгиланган.

Америкада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ЯИМнинг 70 фоизини таъминлайди. Бу секторда ҳар йили 75 фоиз янги иш ўринларини яратадиган 25 млн. кичик корхона фаолият кўрсатади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инновацияларнинг 55 фоизи амалга оширилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари давлат буюртмалари бўйича 35 фоиз ишларни амалга оширади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқда юқори технологиялар соҳасида 38 фоиз иш ўринлари мувофиқлаштирилган.

АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муаммолари билан икки идора – кичик бизнес маъмурияти (КБМ) ва кичик бизнес ишлари бўйича Конгресс қўмитаси шуғулланади. Уларда 4-5 минг ходим фаолият кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради: фақатгина кичик ва ўрта корхона муаммоларини ечиш учун мўлжалланган.

КБМ мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда турли хилдаги молиявий институтларни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратади. Унда қуйидаги дастурлар ишлаб чиқилган:

- кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш дастури (ўз ичига 7 та дастурни олади, “7а кафолатли кредитлар” дастури таянч дастур ҳисобланади);
- инновацион кичик корхонани қўллаб-қувватлаш дастури (3 та дастурдан иборат);
- маслаҳат бериш, ўқитиш, техёрдам ва ахборот хизматлари бўйича дастурлар (10 та дастурдан иборат);
- табиий оғатларда ёрдам дастури (6 та дастур);
- кичик корхонанинг экспорт имкониятларини ривожлантириш бўйича дастур (бу йўналиш 4 та дастурни ўз ичига олади);
- миллий камчил бўлган ва манфаатлари бўғиб қўйилган гурӯхларни қўллаб-қувватлаш дастури (ўз ичига 7 та дастурни олади);
- аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури (3 та дастур).

АҚШда кичик мулкчилик шаклини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича жами 61 та маҳсуслаштирилган дастур ишлаб чиқилган. Дунёнинг бошқа ҳеч қайси мамлакатида бундай қудратли амал қилувчи дастурлар мавжуд эмас. Бундан ташқари кичик ва ўрта тадбиркорликни солиқ соҳасида рағбатлантиришнинг КБМ тажрибаси ҳам диққатга сазовор. У чегарали солиқ ставкаларининг босқичма-босқич камайиб боришидан ва тор солиқ базасида солиққа тортишни камайтириш ҳамда солиқ имтиёзларидан кенг доирада фойдаланишни кўзда тутади. Бу эса саноатда, хизматлар соҳасида ва савдода инвестициялар оқимини таъминлайди.

АҚШда фойда солиғининг 16 минг АҚШ долларигача имтиёзли солиқ ставкалари амал қиласи, 15 фоизли солиқ биринчи 50 минг АҚШ долларига ва 25 фоизли солиқ кейинги 25 минг АҚШ долларига, ушбу суммадан юқорисига максимал 34 фоизли солиқ ставкаси амал қиласи.

Шундай қилиб, ўта кичик, кичик ва ўрта бизнесга турлича ёндошувлар амал қиласи. Корхона қанчалик кичик бўлса, солиқ имтиёзлари шунчалик катта бўлади. Бундан ташқари КБМ қуидагиларни амалга оширади:

- инвестицион солиқ чегирмаси (солиқ тўланадиган йилгача уч йил давомида ҳар йиллик сотиш суммаси 5 млн. доллардан ошмаган корхоналар учун мол-мулкка ёки иншоотларга доимий 7 фоизли чегирма);
- капиталнинг бозор нархи (қиймати, баҳоси) ортиши билан солиқ тўловларидан озод бўлиш (5 йилдан кам бўлмаган компания капитали сотилганда соликдан 50 фоизли чегирма);
- банд аҳолини тиббий сугурталаш (бандларнинг ўзлари учун сугурта суммасидан 25 фоизли чегирма);
- “тадбиркорлик ҳудуди”ни ташкил этиш (кичик бизнесни ривожлантириш учун инвестицияларни жалб этишга мўлжалланган 50 та федерал зоналар аниқланган);

Ҳозирги вақтда Германияда 5800 йирик корхонлар билан бирга 3,3 млн. кичик корхоналар ҳамда ҳунармандчилик, саноат, савдо, хизматлар соҳасидаги якка тадбиркорлар барча солиқ тўловчи корхоналарнинг 99 фозини ташкил қиласи. Бу корхоналар Германиядаги қарийб 70 фоиз иш ўринларини таъминлайди. Бу 22,2 млн. киши бўлиб, жумладан, 6 млн. киши ҳунармандчилик соҳасида, 2,6 млн. киши саноатда, 2,3 млн. киши савдода, 12,1 млн. киши хизматлар соҳасида фаолият қўрсатиб, “Эркин лавозим” вакиллари ҳисобланади. Бу корхоналарда 80 фоиз ёш мутахассислар ўқитилади (1,3 млн. киши), уларга техник, информацион технологиялар соҳасидаги мутахассисликлардан бошлаб, классик ҳунармандчиликкача бўлган 350 хилдаги турли лавозимлар таклиф қилинади. Кичик ва ўрта бизнес айланмасидан қарийб 45 фоизи тушумларни таъминлайди, немис экспортининг 30 фоизини амалга оширади. 1999 йилда кичик ва ўрта корхоналар Германиядаги ялпи инвестицияларнинг 46 фоизини амалга оширди, ЯИМнинг 57 фоизини таъминлади. 70 фоиз кичик ва ўрта корхоналар 40 ёшдан ошган шахслар томонидан бошқарилади. Гимназия

ёки ОЎЮни тугатган раҳбарлар улуши 50 фоизлик кўрсаткичга яқинлашмоқда.

Германиядаги ялпи капитал жамғармаларининг 36 фоизи кичик ва ўрта корхоналар хиссасига тўғри келади. Ҳар бир кичик ва ўрта корхона ҳар иили ўртacha 56 минг евродан ортиқроқ сарфлайди. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ходимлар бандлиги даражаси таҳлил қилинганда биринчи ўрин хизматлар соҳасига (54,5 фоиз) сўнгги ўрин савдо соҳасига эса (10,3 фоиз) тўғри келди. Германияда иқтисодиётнинг кичик ва ўрта корхоналарини мувафақиятли ривожлантириш учун асосий замин ўрта синф(бўғин) сиёсати ва бандлик соҳасидаги сиёсалар ўзаро боғлиқ вазифа ҳисобланади. Давлат кичик корхоналарининг иқтисодий жараёнларига фақатгина шундай вазиятда аралашадики, иқтисодиётнинг қайси хусусий сектори халқ хўжалигига амалдаги ёки ўзгараётган ижтимоий-сиёсий талабларга жавоб беришга қодир бўлмаган вазиятлар кўзда тутилади (Масалан, атроф мухит муҳофазаси тўғрисида).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширувчи ташкилотларга давлатнинг хукумат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари киради. Кичик мулкчилик шаклидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш уларни ривожлантиришга кўмак бериш бўйича муҳим функциялар қатор молиявий институтларга, жумладан маҳsusлаштирилган банкларга ҳамда хусусий бизнесда ўз – ўзини тартибга солувчи ташкилотларга, масалан, савдо-саноат палатасига берилган. Германияда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашнинг давлат тизими федерал ва минтақавий даражада 500 дастурни ўз ичига олган бўлиб, қўйидаги йўналишлар бўйича кичик ва ўрта бизнес соҳасида инвестицион фаолиятга ҳамкорлик қилишга йўналтирилган:

- информацион таъминотдаги инвестицияларни қўллаб-қувватлаш(бошланғич тадбиркорлар учун барча иқтисодий ва техник консультациялар молиялаштирилади);

- моддий таъминотдаги инвестицияларни қўллаб-қувватлаш (корхонани капитал билан таъминлаш ва шу асосда уларнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш);

- молиявий қўллаб-қувватлаш (билвосита солиқ имтиёzlари ва бевосита давлат қўшимчалари (надбавка) субсидиялар (бегараз ёрдам ва имтиёzли кредитлаш давлат томонидан кредит суммасининг 3 фоиздан 10 фоизгача дотациялар берилади);

- бошланғич тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш;

- кредитли қўллаб-қувватлаш – 2000 йилда федерал дастур доирасида Германияда бошланғич тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 8 млрд. евро миқдоридаги маблағ ажратилди. Бу инвестициялар кўринишидаги 30 млрд. евро атрофида жамғармаларни рафбатлантириди. 40 фоизигача инвестициялар корхоналарни ташкил этишда ўзига хос имтиёzли кредит асосида, кафолатларсиз 20 йилгача муддатга, биринчи ўн йилда қайтариш мажбуриятидан озод қилинган ҳолда тақдим этилди (кредитнинг максимал суммаси 1 млн. евро). Бундай кредитлар бошланғич тадбиркорларнинг хусусий капитали ўрнини босади. Чунки кредитнинг қайтарилемаслик риски (хавфи)ни давлат тўлиқ ўз зиммасига олади;

- капиталда иштирок этиш кўринишида ёрдам;

- улушли иштирокнинг максимал миқдори 1,5 млн. евро, иштирок этиш муддати - 10 йил.

Юқорида қайд қилинганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, давлатнинг кичик ва ўрта корхоналар ривожланишидан манфаатдорлиги, мамлакат учун кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий аҳамиятини тушунишдан далолат беради. Германияда кичик ва ўрта корхоналар немис иқтисодиётининг ўзагини ташкил этади, улар мамлакатдаги қўйидаги ижтимоий масалаларни ечади: бандлик, янги иш ўринларини яратиш, ёш мутахассисларни ўқитиш. Кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашни кенг қамровли функцияларни кредитларнинг реал ишлаб чиқарилган маҳсулотлари, субсидия(бегараз ёрдам), имтиёzлар, кафолатлар кўринишидаги давлат маблағларининг кичик ва ўрта корхоналарни

ривожлантиришга сарфланган қисми ижтимоий натижаларни бериб, Германияда кичик ва ўрта корхоналарни янада ривожлантиришга катта имкониятлар яратмоқда.

## **2-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИНГ ҲОЛАТИ ВА КҮРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Самарқанд вилоятининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тавсифи**

Хизмат кўрсатиши соҳасида, жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакилларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охирги икки ярим йилда Президентнинг эллиқдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли руҳсатномалар олиш ва бошқа қўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди.

Барча худудларда тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиб, ҳал этишга қўмаклашадиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 200 миллиард сўм ва 50 миллион доллар маблағ ажратилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда хусусий мулк манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай имкониятлар яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳам хусусий тадбиркорликни, авваламбор, микрофирма ва кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада

кучайтириш, уларнинг жадал ривожланиши учун қўшимча шарт-шароит яратиш, имкониятларни кенгайтиришга қаратилган.

Таъкидлаш лозимки, худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар қатор тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда жадал ривожланиши учун қўшимча шарт-шароит яратиш, имкониятларни кенгайтиришга қаратилган.

Хусусан, янгидан ташкил этилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиёт ва тадбиркорликни, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ҳамда туризмни ривожлантириш учун масъул бўлган ҳоким ўринбосарлари томонидан тадбиркорларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга, худудларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишига, шунингдек, мавжуд салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишга кўп ҳолларда бепарво муносабатда бўлинаётганлиги кузатилмоқда.

Республика ва жойлардаги давлат бошқаруви органларида кенг тарқалган ва бартараф этилмаётган тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш, зарур ишлаб чиқариш обьектлари, ер участкалари ва кредит маблағларини ажратиш, муҳандислик-коммуникация ва бошқа инфратузилма обьектларини яратиш масалаларини ҳал этишдаги сансоларлик, бюрократизм ва тўсиқлар билан боғлиқ ҳолатлар тадбиркорлик субъектларини худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга фаол жалб этиш, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини ошириш, саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва хизматлар соҳасини ривожлантиришни таъминламаяпти.

Бундан ташқари, жойлардаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларининг малакаси ва амалий тажрибаси етарли даражада эмаслиги, республика давлат бошқаруви органлари томонидан улар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш

ишларининг сустлиги қабул қилинаётган қарорларнинг самарали ижро этилишига ва худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришишга салбий таъсир кўрсатмоқда<sup>33</sup>.

## 2.1-жадвал

### Самарқанд вилоятида 2018-2019 йилларнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари

	ЯҲМ	Саноат маҳсулоти	Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	Асосий капиталга киритилган инвестициялари
Самарқанд вилояти	104,1	106,1	102,8	102,2	128,2
Самарқанд ш.	x	109,9	103,2	99,6	120,9
Каттақўргон ш.	x	114,6	102,3	102,1	203,6
туманлар:					
Оқдарё		104,6	101,7	103,5	157,6
Булунғур	x	104,0	100,9	93,8	115,9
Жомбой	x	121,2	102,8	112,3	170,8
Иштихон	x	107,7	102,4	103,8	99,5
Каттақўргон	x	104,4	101,2	106,9	104,7
Кўшработ	x	116,7	102,9	102,6	148,8
Нарпай	x	113,7	101,8	101,9	109,3
Нуробод	x	107,7	103,7	105,0	106,2
Пайариқ	x	103,6	101,3	103,2	76,5
Пастдарғом	x	107,4	101,9	105,9	80,5
Пахтачи	x	106,8	102,8	104,2	155,0
Самарқанд	x	108,9	103,9	90,5	121,9
Тайлоқ	x	96,1	100,9	100,6	201,8
Ургут	x	107,7	103,0	102,6	149,3

Манба: Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори., 11.09.2018 й.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб тўрибдики, Самарқанд вилоятида 2018-2019 йилларнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари келтирилган бўлиб, Самарқанд вилояти 2019 йили 2018 йилга нисбатан ЯҲМ 104,1 фоизга усган бўлиб, саноат маҳсулоти 106,1 фоизга, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш 102,8 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 102,2 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар 128,2 фоизга ошганлигини кўришимиз мумикн. Бу кўрсаткичларни Самарқанд вилоятидаги туманлар кесимида ҳам кўрадиган бўлсак, барча туманларда бу кўрсаткичларни усанлигини юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқармоқда. Мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилмоқда.

Ўтган даврда харид қобилияти бўйича **ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсли** ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич **6,5 минг АҚШ долларидан** зиёдни ташкил этади<sup>34</sup>. 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (106,1 %), қурилиш (114,1 %) ва ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (103,9 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.


ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 77,5 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2018 йил январь-декабрга нисбатан 2,8 бандга камайган.

Самарқанд вилоятида 2019 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 31,2 фоизни ташкил қилди. Дастребаки маълумотларга кўра, **2019 йилда** ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (**ЯҲМ**) ҳажми **37593,9 млрд.сўмни** ташкил этди ва **2018 йилга нисбатан 4,1 фоизга** кўпайган.


<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(фоизда)**

**2018 йил январь-декабрь**



**2019 йил январь-декабрь**



- Махсулотларга соғ солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Хизматлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Саноат (қурилишни қўшган холда)

**2.1.1-расм. Самарқанд вилоятида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (фоизда).**

Давлат томонидан олиб борилаётган ислоҳатлар натижасида республикамизда “Ҳар бир оила тадбиркор” ва “Ёшлар келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2 триллион сўм маблағ ажратилди, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди.

Бугунги кунда Республикада кичик биснес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг савдодаги улуши юқори даражада сақланиб қолмоқда (жами кичик бизнес субъектларининг 26,7%и ёки 63,7 мингта субъект). Чакана савдо товар айланмасида эса, 20,2%ни кичик биснес ва микрофирмаларнинг улуши ташкил этган бўлса, якка тартибдаги тадбиркорларнинг улуши 69,4% ни ташкил этганини кўришимиз мумкин, бу банк секторига пул тушумига салбий таъсир кўрсатади ва кичик бизнес субъектларининг солиқ солинадиган базасида номувофиқликларни келтириб чиқаради.

## **2.2-жадвал**

### **Самарқанд вилоятида 2018-2019 йиллардаги асосий иқтисодий кўрсаткичлар**

(2020 йил 1 январь ҳолатига, бирлиқда)

	<b>2018 йил, млрд.сўм</b>	<b>2019 йил, млрд.сўм</b>	<b>Ўсиш суръати, %</b>
<b>Ялпи худудий маҳсулот</b>	<b>31233,5</b>	<b>37593,9</b>	<b>104,1</b>
Саноат маҳсулоти	13488,1	15863,3	106,1
Истеъмол товарлари	7848,2	9572,4	102,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	26585,9	30298,6	102,2
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	7061,4	9798,6	128,2
Қурилиш ишлари	3299,0	4096,8	114,1
Юқ айланмаси (млн. тн-км)	1056,1	1123,8	106,4
Йўловчи айланмаси	14514,1	14978,5	103,2

(млн.йўловчи-км)			
Чакана товар айланмаси	11123,1	13767,2	107,3
Хизматлар, жами	10043,5	12271,1	108,9
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл.)	1620,5	1744,5	107,7
Экспорт	315,6	391,6	124,1
Импорт	1304,9	1352,9	103,7
Салъдо (+;-)	-989,3	-961,3	X

Манба: Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишида қурилиш ва пардозлаш материаллари, асбоб - ускуналар, машинасозлик эҳтиёт қисмлари ва ускуналари, электротехника, кимё, фармацевтика маҳсулотлари, истеъмол товарларининг кўплаб турларини ишлаб чиқариш ва бошқалар юқори потенсиал эга соҳалар ҳисобланади.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётига қўшадиган ҳиссасини оширилишини, кичик саноат зоналарининг яратилиши, инвестицион мухит ва рақобат муҳитини яхшиланиши, кичик бизнес билан давлат-хусусий шерикчилиги доирасида давлат харидлари ҳажмини кенгайтирилиши, йирик ва кичик корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамланиши, инновация жараёнларига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали кўришимиз мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, етарли экспорт салоҳиятига эга бўлган, бироқ айни пайтда янада ривожланиш учун етарли даражада капиталга эга бўлмаган муваффақиятли ва истиқболли кичик корхоналарни молиявий қўллаб қувватлаш катта аҳамиятга эга.

Ушбу чора-тадбирларларни самарали кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида кўпроқ иш ўрнини яратишга, жаҳон бозорига кириш имкониятларини оширишга ёрдам бериб, мамкалатни экспорт салоҳиятини оширишга ва ахоли даромадларини ошишига имкон яратади.

Амалдаги қонунчиликка биноан, йиллик ўртача ходимлар сони қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 50 кишигача, саноатда фаолият турига қараб - 100 дан 270 кишигача; савдо ва хизмат қўрсатиш соҳасида - 25 дан 50 кишигача ишчиларга эга бўлган субъектлар кичик корхоналар таснифига киради.

2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга қилган Мурожаатномасида “...келгуси йили экспорт ҳажмини 30 фоизга ошириб, 18 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. маҳсулотимиз учун бозор топишимиз керак. Бозор топиш учун эса ҳар бир корхона ўзига энг замонавий технология олиб келишимиз керак. Таннархни камайтирмай туриб, бозор тополмаймиз. Акс ҳолда биз рақобатбардош бўла олмаймиз” деган масалалани илгари сурган. Бунинг учун фаол тадбиркорлар чет элларга чиқиб жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган энг сўнг техника-технологияларни мамлакатимизга олиб кириш зарур бўлади, буларни амалга оширишда барча ҳуқуқий жиҳатдан шартшароитлар яратилган. Келгуси йилда тадбиркорлик, бизнес учун янада қулай муҳит яратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, пенсия таъминотини яхшилаш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз лозим.

## **2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини баҳолаш мезонлари, қўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари**

Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги корхона ва ташкилотлар самарадорликка оид масалаларда ҳозирги давр талабидан келиб чиқсан ҳолда янгича ёндашишлари талаб этилади. Айнан самарадорлик хўжалик фаолиятининг энг муҳим ва умумлаштирилган қўрсаткичларини ўзида умумлаштиради. Яъни фаолиятнинг охирги натижалари самарадорликда ўз аксини топади. Иқтисодий адабиётларда самарадорликнинг моҳияти,

тушунчасига кўплаб қарашлар мавжудлиги қаби, унинг ҳар хил мезонлари ва кўрсаткичлари тасниф қилинади. Кўпгина муаллифлар самарадорликни нисбий кўрсаткич деб таъкидлаб, у олинган (эришилган) натижа билан харажатлар нисбати орқали аниqlанишини тавсия қиласди.

Бизнинг фикримизча, муҳим масалардан бири бўлган ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тушуниш учун алоҳида ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилиши керак. Лекин бунда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари ўзаро боғлиқ эмас, деган фикр келиб чиқмайди. Аксинча, улар узвий боғланган ва бир-бирини тақозо қиласди, тўлдиради.

Иқтисодий самарадорлик сифат жиҳатидан ҳисоблаб чиқилмаса ва ўлчанмаса, унинг мунтазам ошиб бориши бўйича белгиланган ишларни бажариб бўлмайди.

Иқтисодий самарадорликнинг ўсиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳар қандай шакли ривожланишининг объектив қонуниятидир. Чунки, жамиятнинг ривожланиши ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва сифати ортишини, ишлаб чиқариш ва муомала, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун жамғаришни кўпайтиришни талаб этади. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш фақат самарадор-лик мезонини ўз ичига олиш билан чегараланиб қолмаслиги керак. Негаки, ме-зон асосан самарадорликни оширишнинг моҳиятини ва асосий вазифаларини ифодалайди, лекин ўлчов, ҳамда баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қила олмайди. Бу вазифани иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бажаради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш комплекс дастури мезонининг мураккаблиги унинг мақсадлари ва ресурсларини тавсифловчи кўрсаткичлар зарурлигини тақозо этади. Бизнинг фикримизча, республикада хизмат кўрсатиш, фаол

тадбиркорлик иқтисодиётнинг замонавий тармоқлари сингари ривожланиб бораётган соҳадир. Шунга кўра, мазкур соҳада фаолият юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий самарадорлигининг барча ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуидаги мезонларда ўз аксини топади (2.2.1-расм).

#### Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

- Хусусий тадбиркорлик субъектларида аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни
- истеъмолчиларнинг турли қатламларига мос хизматларга бўлган эҳтиёжларни тўлиқ қондириш
- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан таклиф этилаётган хизматлар оммаболлигини таъминлаш
- хўжалик субъектлари фаолиятининг натижавийлигини ошириш
- сарфларнинг нисбий даражасини пасайтириш
- соҳада юқори меҳнат унумдорлигини таъминлашга эришиш

#### **2.2.1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мезонлари.**

Мазкур мезонлар хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Иқтисодий адабиётларда самарадорлик кўрсаткичларининг – баҳолаш миқёси бўйича, ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича, кўрсаткичларнинг аҳамияти бўйича, уларнинг қарорлар қабул қилишдаги роли бўйича, умумлаштириш даражаси ва ҳоказолар бўйича таснифлари учрайди.

Муаллифнинг фикрича, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини икки гурухга – алоҳида (хусусий) ва умумлашган кўрсаткичларга бўлиш мумкин. Фаол тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи алоҳида кўрсаткичларга меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини киритиш мумкин.

Хизмат кўрсатиши соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари тизимида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиши соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикаси (натурал ва қиймат кўрсаткичлари); ўртача меҳнат ҳақи; бир ходим ҳисобига тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати ва меҳнатга ҳақ тўлаш суръатининг нисбати; меҳнат ҳақининг бир сўмига олинган натижага кўрсаткичлари тизимидан фойдаланиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини кенг тавсифига эга бўлиш мумкин.

Меҳнат унумдорлиги даражаси натурал ва қиймат шаклида ҳисобланиши мумкин. Натурал шаклда ҳисобланса, товарлар ҳажмининг ходимлар ўртача сонига нисбати олинади.

$$MY = \frac{T_m}{X_c} \quad (1.1)$$

Бу ерда:  $T_m$  – товарлар ва хизматлар ҳажми;  
 $X_c$  – ходимларнинг ўртача йиллик сони;  
Хусусий тадбиркорликда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги меҳнат унумдорлиги, меҳнат қиймати ва меҳнат сиғими каби кўрсаткичларда аниқланади.

Меҳнатнинг фойдалилик (рентабеллик) даражаси. Ушбу кўрсаткич бир сўмлик иш ҳақига тўғри келадиган соф фойда суммасини ифодалайди.

$$MK = \frac{C\phi}{M_x \Phi} \quad (1.2)$$

Бу ерда: Сф – соф фойда суммаси;  
 $M_x\Phi$  – иш ҳақи фонди;  
 Мехнат сиғими ( $M_{cu2}$ ) меҳнат унумдорлигига тескари кўрсаткич бўлиб, бир сўмлик тушумга тўғри қеладиган меҳнат сарфини ифодалайди.

$$M_{cu2} = \frac{X_c}{T_m} \quad (1.3)$$

Фаол тадбиркорликда меҳнат унумдорлигининг умумий ўсиши ( $\Delta M_U$  умумий) ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ва ходимлар сонининг камайиши ҳисобига бўлинади ва у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta M_U = \frac{100(\Delta B + \Delta Y_n)}{100 + Y_n} \quad (1.4)$$

Бу ерда:  $\Delta B$  – фаол тадбиркорликда жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми фоизи.

$\Delta Y_n$  – корхоналарда ишловчилар сонининг камайиши фоизи. Агар ишловчилар сони камаймай, кўпайиб борса, ишловчилар сони фоизи тескари белги билан ифодаланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ёки кўрсатилган хизматлар ҳажми (сони)нинг ўсишида қанча қисми меҳнат унумдорлигининг ошиши, қанча қисми қўшимча ресурслар (меҳнат ресурслари)ни жалб қилиш эвазига бажарилишини ифодаловчи кўрсаткич билан аниқланади. Бу кўрсаткич интенсив омил ҳиссаси формуласи деб юритилади.

$$I_{ok} = \left( 1 - \frac{\Delta Y_{uc}}{\Delta Y_x} \right) \times 100\% \quad (1.5);$$

Бу ерда:  $I_{ok}$  = интенсив омил ҳиссаси;

$Y_{uc}$  = ишчилар сонининг қўшимча ўсиши;

$Y_x$  = хизматлар ҳажмининг қўшимча ўсиши;

Ўртача меҳнат ҳақи иш ҳақи жамғармасининг ходимлар ўртача сонига нисбати билан аниқланади.

$$IX_{yprm} = \frac{IXK}{C_{up}} \quad 61 \quad (1.6);$$

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятлари самарадорлигини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш учун самарадорликнинг алоҳида кўрсаткичлари билан бир қаторда умумлаштирилган кўрсаткичлари ҳам қўлланилади. Иқтисодий адабиётларда умумлаштирувчи кўрсаткичларга: рентабеллик, харажатлар нисбий даражаси, фонд самарадорлиги, сарфланган барча ресурслар фонд самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлар киради.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ижтимоий самарадорлик деганда ходимларнинг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида уларнинг ижтимоий жиҳатдан ривожланишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Инсон ҳар томонлама ва уйғун ривожланиши учун замин яратишни мақсад қилиб қўйган жамиятнинг пировард ижтимоий мақсадга эришуви ижтимоий самарадорликни бош мезони ҳисобланади.

Ижтимоий самарадорликнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги иккинчи мезони ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига билвосита таъсир қилувчи истеъмол харажатларини камайтиришdir.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимида ижтимоий самарадорликни ягона мезон билан ўлчаб бўлмайди. Чунки соҳада ижтимоий самарадорликнинг мезони ва кўрсаткичлари бир хил эмас. Агар ижтимоий самарадорликнинг мезони унинг мазмuni ва вазифасини ифодаласа, кўрсаткичлари эса самарадорликни ўлчаш ва баҳолаш куроли бўлиб хизмат қиласи.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан хусусий тадбиркорлик фаолиятларини баҳолаш, комплекс таҳлил қилиш ва стратегик режалаштиришнинг методологик асосларини яратишда ва уларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

### **2.3. Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг умумий кўрсаткичлар ҳолати ва кўрсаткичлар таҳлили**

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш иқтисодиётимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда хусусий мулк манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай имкониятлар яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳам хусусий тадбиркорликни, авваламбор, микрофирма ва кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг жадал ривожланиши учун қўшимча шарт-шароит яратиш, имкониятларни кенгайтиришга қаратилган. Қарор асосида ташкил этилаётган Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси зиммасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмак бериш мақсадида қатор вазифалар юклатилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, **Самарқанд вилоятида 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 27322 тани ташкил қилди.**

Самарқанд вилоятида 2019 йилда ялпи худудий маҳсулотнинг 77,5 фоизи (2018 йилда 80,3 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

### 2.3.1-жадвал

#### Самарқанд вилоятида 2005-2019 йиллар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши

(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

Йиллар	ЯҲМ	Саноат	Қурилиш	Бандлик	Экспорт	Импорт
<b>2005</b>	49,9	24,8	79,8	70,3	23,3	50,0
<b>2006</b>	64,2	26,2	81,5	73,6	41,6	55,8
<b>2007</b>	66,4	27,3	84,4	77,5	53,7	59,4
<b>2008</b>	68,8	27,5	84,1	80,0	37,7	43,8
<b>2009</b>	71,2	29,7	77,0	80,8	68,1	52,8
<b>2010</b>	73,6	45,9	84,2	82,0	61,0	62,5
<b>2011</b>	76,2	50,6	91,8	82,3	73,4	67,8
<b>2012</b>	75,9	46,2	91,9	81,8	67,7	51,9
<b>2013</b>	77,1	48,1	93,7	83,2	74,4	52,2
<b>2014</b>	77,4	51,1	90,7	83,7	79,4	55,4
<b>2015</b>	77,9	56,0	93,2	84,1	74,6	56,2
<b>2016</b>	72,2	60,1	94,5	84,5	82,4	52,0
<b>2017</b>	81,8	56,0	91,3	84,5	82,6	60,0
<b>2018</b>	80,3	57,2	98,5	83,1	79,6	69,7
<b>2019</b>	77,5	53,8	95,8	76,2	69,4	

Манба: Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Юкоридаги 2.3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида 2005 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушлари келтирилган бўлиб, 2005 йилда ЯҲМда 49,9 фоизни ташкил қилган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қуллаб-қувватлаш натижасида йил сайин ўсиб борганини кўришимиз мумкин. Биргина 2019 йилнинг ўзида саноат соҳасида 8527,0 млрд. сўмни, қурилиш соҳасида 3926,2 млрд. сўмни, чакана савдо соҳасида 12281,1 млрд. сўмни, юк ташиш 1082,8 млн. сўмни, ўйловчи ташиш 14580,6 млн. кишини, экспорт ҳажми 298,5 млн. АҚШ долларини, импорт ҳажми 938,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.

## 2.3.2-жадвал

### 2019 йилда Самарқанд вилояти бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши

Фоизда

	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	29220,3	96,4
Саноат	8527,0	53,8
Қурилиш	3926,2	95,8
Чакана савдо	12281,1	89,2
Юқ ташиш, млн.тн.	1082,8	96,3
Йўловчи ташиш, млн.киши	14580,6	97,3
Экспорт, млн. АҚШ долл.	298,5	76,2
Импорт, млн. АҚШ долл.	938,7	69,4

Манба: Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Юқоридаги 2.3.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йилда Самарқанд вилояти бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши келтирилган бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 29220,3 млрд. сўмни, саноат соҳасида 8527,0 млрд. сўмни, қурилиш соҳасида 3926,2 млрд. сўмни, чакана савдо соҳасида 12281,1 млрд. сўмни, юқ ташиш 1082,8 млн. сўмни, йўловчи ташиш 14580,6 млн. кишини, экспорт ҳажми 298,5 млн. АҚШ долларини, импорт ҳажми 938,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.

**Самарқанд вилоятида** 2019 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8527,0 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 53,8 фоизи) ташкил қилди;
- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 29220,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўсиш суръати 113,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг жамига нисбатан улуши 96,4 фоизи) ташкил қилди.
- 6106,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 62,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 133,2 фоизни ташкил қилди.
- 3926,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,8 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 111,0 фоизга кўпайди;
- автомобил транспорти юк айланмасининг ҳажми 1082,8 млн.тн.км ўсиш суръати 105,8 фоизни (вилоят жами юк айланмасининг 96,3 фоизи) ташкил қилди, ҳамда йўловчи айланмасининг ҳажми 14580,6 млн.кишини ташкил қилиб ўсиш суръати 102,6 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 97,3 фоизи) кўпайди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 89,2 фоизи ёки 12281,1 млрд. сўми (ўсиш 105,8 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равища 71,1 фоизи ёки 8724,8 млрд. сўми (ўсиш 104,7 фоиз) шакллантирилди;
- 298,5 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 76,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 938,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 69,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида барча амалга оширилаётган ишлардан ташқари бизнинг фикримизча қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини қаттиқ назоратга олиш мақсадга мувофиқ:

- хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга берилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш жараёнида сунъий тўсиқлар пайдо бўлмаслигини қаттиқ назоратга олиш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақат ички кредит линиялари, балки ташқи кредит линияларидан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш;
- қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш хисобига қишлоқ аҳолисининг тадбиркорлик билан шуғулланиш борасидаги фикрларини жонлантириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларидан кредит олишни кафолат фондлари орқали кафолатлашни жорий қилиш;
- тижорат банкларининг бизнесни модернизациялаш учун ажратадиган кредит ставкаларини янада камайтириш.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг равнақ топишидан нафақат мамлакатимиз иқтисодиёти, балки унинг ҳар бир фуқароси манфаатдор экан, юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенгроқ ривожланишига сабабчи бўлади.

## **ШІ-БОБ. ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **3.1. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таснифи**

Умумий ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарали фаолият олиб бориши асосан қуидаги тўрт – ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғликлиги натижасида амалга оширилади. Улар ижобий ёки рағбатлантириш кўринишида ҳам шаклланиши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилган омиллардан ҳуқуқий омиллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигини оширишда асосий омил ҳисобланади. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бориш учун тадбиркорлик муҳитида амалга оширилиши мумкин бўлган ўйинлар қоидасини кўрсатиб беради. Ўйинлар қоидаси тушунчаси рухсат этилган ва амалга оширилаётган ишларни ўз ичига олади. Рухсат этилган ишларга нисбатан ўйин қоидалари турли шаклда намоён бўлади. Ўйин қоидалари нима қилиш мумкину, нима қилиш мумкин эмас тамойили асосида ишлаб чиқилиши мумкин. Бу қоидаларда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш йўлидаги барча чегара ёки чекловлар яққол кўрсатиб берилиши керак. Умуман олганда, ҳуқуқий омил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш йўлидаги барча қонунлар ва йўриқномалар мажмуи бўлиб, уни тартибга солади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий жараёндаги бошқа субъектлар билан муносабатини мужассамлаштиради.

Ҳуқуқий базанинг тўлиқ ёки бир меъёрда юритилмаслиги тадбиркорлик фаоллиги даражасига катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳозирги қунда Ўзбекистон Республикасида амалиётга татбиқ қилинаётган иқтисодий

ислоҳотларнинг асосини ташкил қилаётган бир бутун хуқукий база мавжуддир.

Хуқукий омилнинг таснифига “хуқукий маданият” тушунчаси ҳам киради. Бунинг остида ҳалқимизнинг қонунларга тўлиқ риоя қилиши, яъни инсонларнинг онгидаги қонунлар талабини бажариш керак деган тушунчанинг бўлиши тушунилади. Агар керак бўлган барча қонунлар қабул қилинса-ю лекин улар амалда ишламаса ёки татбиқ қилинмаса, бундай жамиятни қонунларга бўйсунувчан деб бўлмайди ва буни хусусий тадбиркор ўз фаолиятини юритишда эътиборга олиши шарт.

*Сиёсий* омил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти жараёнида бўлаётган барча ҳодисаларга давлатнинг муносабатини ва уларга давлатнинг таъсирини белгилаб беради. Давлатнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига қай даражада таъсир кўрсатиши ёки аралашиши кераклиги ҳам сиёсий омил тушунчасига киради. Бундай аралашиш олдиндан белгиланмаган ёки белгиланган бўлиши мумкин.

*Ижтимоий* омил бошқа омилларга нисбатан ўзининг таркиби жиҳатидан анчагина мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг таркиби кўпгина элементлардан таркиб топади. Агар тадбиркор уларни эътиборга олмаса, келгуси фаолиятида салбий ҳолатлар рўй бериши мумкин. Қуйидагилар бу омилнинг асосий элементлари ҳисобланади:

- жамиятда мафкурунинг ҳолати;
- миллий урф-одатлар;
- миллатнинг маданий ва майний одатлари;
- тадбиркорликни маънавий ва моддий харакатлантириш усуллари;
- атрофдаги кишиларнинг тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабатлари.

*Иқтисодий* омил бозордаги рақобатни ва нарх-наво ҳолатини ўзида акс эттиради. Нарх-наво тизими, ўз навбатида, нархларнинг даражаси хизмат кўрсатиш жараёнига тадбиркор томонидан жалб қилинаётган хизмат

кўрсатиш омиллари, ишчи кучи, кредит ставкаси миқдори ҳамда солиқ ва мажбурий тўловларни ўз ичига олади. Бунда бозордаги рақобат шартшароитлари сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг келажаги унга яратилган шарт-шароит билан белгиланади, у эса жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни акс эттиради. Шундай экан ижтимоий-иқтисодий вазиятга иқтисодий мустақиллик, тадбиркорлар синфи, иқтисодий алоқаларда бозорнинг устуворлиги, тадбиркорлик капиталини мужассамлаштириш шароитининг мавжудлиги ва чегараланган ресурслардан самарали фойдаланиш кабилар киради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий мустақиллик даражаси бозорда вужудга келаётган мустақил кичик корхона ва ташкилотлар сони билан таснифланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини таркиб топтириш кўп жиҳатли жараён бўлиб, у ўз ичига куйидагиларни қамраб олади:

- ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий фалсафанинг ҳамда улар билан боғлиқ бўлган жамият аъзолари психологиясининг ўзгариши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда миллий дастурнини қабул қилиниши.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодий ўсишининг кўшимча манбаи сифатида ижтимоий муаммоларни бартараф этишда катта аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг бандлик даражаси муаммоларини ҳал этиш, миллий бойликни ўстириш ва аҳолининг фаровонлигини ошириш учун хизмат қиласи.

Хозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳитини таркиб топтириш нафақат миллий, балки ҳалқаро муаммолардан ҳисобланади. Мавжуд бўлган мамлакатлараро гурухларда,

масалан, Европа Иттифоқи миқёсида ягона кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш Европа жамиятига кирувчи мамлакатларда бир-бирига ўхшаб кетмоқда.

Иқтисодий фаоллик ва мустақилликнинг муҳим шакли бўлмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик республикамизда бандликнинг аниқ сифатида янги иш жойларини барпо этиш йўлида энг ривожланган давлатлар томонидан кўллаб-қувватланиб келинмоқда. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан кўллаб-қувватланиши бир неча йиллар мобайнида маслаҳатлар бериш, молиявий ёрдам қўрсатиш ёки солиқлар тўлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун маълум бир имтиёзлар беришда акс этмоқда.

*Ҳудудий омиллар.* Тадбиркорлик учун ягона ҳаракат майдонининг мавжудлиги, ягона пул бирлиги аҳамиятлидир. Мамлакатлараро иқтисодий майдонда эркин иш тутиш, иқтисодий битимлар тузиб иш кўриш мумкин. Бу бир давлат ҳудуди билан чегараланмайди. Шу иқтисодий майдонда тадбиркорлик учун зарур бўлган шароит, яъни:

- божхона;
- валюта;
- солиқ;
- виза;

- меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқалар бўйича маҳаллий ва чет эллик тадбиркорларга, инвесторларга берилган имтиёзлар билан ўлчанади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ўта муҳим жиҳати – бу ишлаб чиқаришдир. Бу жараёнда иқтисодий ресурслар ишлатилади, маҳсулот ва хизматлардан иборат ҳаётий неъматлар яратилади. Маълумки, ишлаб чиқариш юз бериши учун унинг омиллари ҳаракатга келиши шарт.

*Хизмат қўрсатилиши омиллари:*

- ер ва капитал;
- ишчи кучи;

- ахборотлар;
- технология;
- тадбиркорлик ғояси.

Улар ишлаб чиқариш воситалари ёки ишлаб чиқариш фондлари (жамғармалари) деб ҳам юритиш мумкин. Моддий–ашёвий омил билан шахсий-инсоний омил – ишчи кучи бирикиб, меҳнат жараёни, яъни ишлаб чиқариш юзага келади. Бунинг натижасида турли-туман маҳсулотлар ва хизматлар яратилади.

Хар қандай иқтисодий жараён тўғри ва оқилона бошқарилиши учун уни тўғри таҳлил қилиш унинг самарадорлигини оширади. Бу бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳам дахлдордир. Чунки бозор муносабатлари шароитида товарлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг бир жиҳати бўлса, уларни сотиш эса ушбу фаолиятнинг энг муҳим жиҳатидир.

Узоқ йиллар Ўзбекистон иқтисодиётидаги асосий фаолият товар ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, уни сотиш борасида ҳеч ким бош қотирмаганди. Чунки бизнинг мамлакатда, асосан, хом-ашё ишлаб чиқарилиб у режа асосида собиқ иттифоқнинг белгиланган манзилларига етказиб берилар эди.

Энди вазият тубдан ўзгарди. Биринчидан, иқтисодиётимизда хом-ашё ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш устувор соҳага айланмоқда. Экспорт соҳасида тайёр маҳсулотнинг ҳиссаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси иқтисодиётга, уни бошқариш воситаларига янгича қарашни, унинг назарий ва амалий йўл-йўриқларини замон талабига мос ҳолда ишлаб чиқаришни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорликка асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш мухим аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки улар бозор шароитидаги ўзгаришларга, бозор коньюктурасига, талабнинг ўзгаришига тез мослашадиган бўлади. Уларнинг бу жиҳати хўжалик фаолиятини, айниқса маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилишда ўта зийракликни, аниқ ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қиласди.

Хозирги иқтисодиёт, айниқса бозор муносабатлари шароитида хукм суроётган эркин рақобат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектининг ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратишини эмас, балки олдин нимани ва қанча сотиб олишни аниқлашини талаб қиласди. Корхоналар асосан сотиладиган товарларни ишлаб чиқарса ёки ишлаб чиқарган товарлари (иш, хизматлари) ўз вақтида сотилсагина, уларнинг молиявий аҳволи яхши бўлади, иқтисодий қудрати юксала боради. Шу йўл билан тадбиркорлар ўзларининг яшовчанлигини таъминлайди.

Бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар жуда кўп. Чунки бозорда турли кутилмаган вазиятлар юзага келиши натижасида тадбиркорнинг режаси, кўзда тутган амаллари бузилиб кетиши мумкин. Шу туфайли тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи барча омилларни икки гурухга бўлиш мумкин: ижобий таъсир қилувчи омиллар ва салбий таъсир қилувчи омиллар.

Ижобий таъсир қилувчи омиллар, албатта жуда мухим омиллар. Шу туфайли ушбу омиллар таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Тадбиркорни касодга учратадиган, унинг аҳволини оғирлаштирадиган омиллар бу салбий таъсир қиладиган омиллардир. Аммо бундай омиллар иқтисодий адабиётларда кам тадқиқ қилинган. Шу туфайли бундай омилларга алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

### **3.2. Хизмат кўрсатиши соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг объектив зуурлиги**

Дунёning турли давлатларида эркин иқтисодий зона турлича талқин қилинади. Масалан, Хитой Халқ Республикасида эркин иқтисодий зона “Эркин денгиз бўйи шаҳарлари” (14 та), “Иқтисодий ривожланиш туманлари” деб аталса, Туркияда “Эркин савдо зонаси”, Японияда “Технополис”, Россияда “Эркин иқтисодий зона”, “Эркин тадбиркорлик зонаси”, “Эркин савдо зонаси” деб юритилади.

Умуман олганда, эркин иқтисодий зона у ёки бу давлатнинг маълум бир ҳудудий-хўжалик ёки маъмурий-ҳудудий бирликларига нисбатан олиб бориладиган сиёсати билан белгиланади.

Кейинги йилларда дунёning кўпгина давлатларида эркин иқтисодий зона кенг тарқалиб бормоқда. 2000 йилнинг бошида 4500 дан ортиқ ҳар хил очиқ иқтисодий зоналар мавжуд бўлган.

Марказий ва Жанубий Америкада, Африка контингентининг бир қисмида, Жанубий-Шарқий Осиёда, Тинч океани минтақаси давлатларида ҳамда Европа давлатлари ҳудудларида очиқ иқтисодий зоналар фаолият кўрсатмоқда.

Эркин иқтисодий зоналарни белгилаш ва тузиш қўйилган мақсадга боғлиқ. Агарда ривожланган давлатларда эркин иқтисодий зоналарни тузишдан мақсад асосан халқаро савдони ривожлантириш бўлса, ривожланаётган давлатларда эса хом ашёни қайта ишлашни ташкил қилиш асосий мақсад ҳисобланади.

Ўзбекистонда 1996 йилда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида” Қонун қабул қилинган. Мазкур қонунда:

- эркин иқтисодий зоналар;
- эркин савдо зоналари;
- эркин ишлаб чиқариш зоналари;

- эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин, деб кўрсатиб қўйилган.

Бу эркин иқтисодий зонани тузиш хусусиятини, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асосий омил бўлиб ҳисобланган.

МДҲ давлатларида эркин иқтисодий зонани тузиш чет эл капиталини жалб қилишни, янги технологиянинг импортини таъминлайди. Охир оқибатда мамлакат иқтисодий потенциалини оширади, унинг дунё хўжалиигига тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида интеграциялашувини таъминлайди.

Амалиётда эркин иқтисодий зоналар қўйдаги аниқ принципларга риоя қилган тақдирдагина самарали ишлаши мумкинлиги тасдиқланаяпти:

а) ҳар қандай эркин иқтисодий зона мамлакатнинг мустақил хўжалик бирлиги сифатида тузилиши ва ўз фаолиятини ўз бюджети асосида қуриши лозим;

б) эркин иқтисодий зона бюджетининг даромад қисми қўйдагилардан иборат бўлиши керак:

- эркин иқтисодий зона ҳудудида жойлашган корхона, бирлашма ташкилотлар ва у ҳудудда яшайдиган кишилардан тушадиган солиқлар;

- божхона йиғимлари, мустақил тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган тушумлар;

- ҳомийлик маблағлари;

- эркин иқтисодий зона эҳтиёжларига узоқ муддатли кредит шаклида бериладиган давлат бюджети маблағлари;

- в) эркин иқтисодий зона давлат томонидан бериладиган субсидияларсиз, дотацияларсиз фаолият кўрсатиши керак;

- г) эркин иқтисодий зона ҳудудидан йиғилган барча солиқлар ва бюджетга тўловларни ҳудудий бошқармалар ихтиёрида қолдириш лозим.

1990 йилнинг охирларида Ўзбекистон Республикасида Жиззах, Зомин ва Сергелида эркин иқтисодий зона тузиш бўйича лойиҳалар тузилган эди. Улар

қатор молиявий, ижтимоий ва техник қийинчиликлар туфайли амалга оширилмади.

Бизнинг фикримизча, жаҳон стандартлариға жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўгридан-тўгри инвестицияларни жалб этиш бўйича кулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Самарқанд вилоятининг саноат салоҳиятини, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Қарши шаҳри ҳудудида "Самарқанд" эркин индустрисал-иқтисодий зона ташкил этиш лозим. Бунинг учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд.

"Самарқанд" эркин индустрисал-иқтисодий зonasи ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши - замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқариш бўлиши мумкин.

"Самарқанд" эркин индустрисал-иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этиши, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин.

"Самарқанд" эркин индустрисал-иқтисодий зона фаолияти қўйидаги тартибда амал қилинишини кўзда тутиш лозим:

Эркин индустрисал-иқтисодий зона фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқороларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишининг, шунингдек улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши.

Алоҳида юридик тартиб, шу жумладан, солиқ, валюта ва божхона тартиби фақат ЭИИЗ ҳудудида фаолият кўрсатаётган ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилиши.

"Самарқанд" эркин индустрисал-иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш тегишли равишда давлат органлари вакилларидан ташкил этиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭИИЗ дирекцияси томонидан амалга оширилиши зарур. Маъмурий кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши керак.

"Самарқанд" эркин индустрисал-иқтисодий зона ташкил этилган барча ҳудуд ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун давр мобайнида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилиши лозим.

"Самарқанд" эркин индустрисал-иқтисодий зона дирекцияси хўжалик юритувчи субъектларга ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини субижараага топшириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ижара шартномаси бўйича бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага беришнинг тақиқланиши.

"Самарқанд" эркин индустрисал-иқтисодий зonasида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қўйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), республика йўл жамғармаси ва мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилиши:

3 миллион евродан 10 миллион евроГача - 7 йилга;

10 миллион евродан 30 миллион евроГача - 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланиши;

30 миллион евродан ортиқ бўлганда - 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиги ва ягона солик тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланиши.

"Самарқанд"да шундай тартиб белгиланиши қеракки, унга кўра ЭИИЗда рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилиниши лозим бўлиши.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгилangan ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечикирилиши зарур.

Қайд этилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ЭИИЗ худудига олиб кирилган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар сотилган ёки бепул берилган тақдирда, божхона тўловлари қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда бюджетта тўлиқ ҳажмда ундирилади.

"Самарқанд" эркин индустрιал-иктисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуидагилар рухсат этилиши назарда тутилиши лозим:

улар ўртасида тузилган шартномалар ва контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ худудида хорижий валютада амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;

экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларидан фойдаланиш.

"Самарқанд" эркин индустрисал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг солиқ тўловчилар аҳволини ёмонлаштирувчи ҳужжатлари татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилиши (акциз солигига тортиладиган товарларнинг солиқка тортилишини тартибга солувчи ҳужжатлар бундан мустасно).

"Самарқанд" вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси, Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

маълум муддатда Вазирлар Маҳкамасига ЭИИЗни жойлаштириш учун зарур бўлган ер майдони бўйича, унинг чегаралари аниқ кўрсатилган ҳолда, таклифлар киритиш;

маълум муддатда, танланган ер участкаси маъқуллангандан кейин, уни эркин индустрисал-иқтисодий зона яратиш мақсадида белгиланган тартибда ажратилган, уни зарур кадастр материаллари билан расмийлаштирилган ҳамда ЭИИЗ Маъмурий кенгашига у фаолият кўрсатадиган муддатга фойдаланиш ва бошқариш учун бериши;

маълум муддатда мазкур зона ҳудудини барпо этишнинг, шу жумладан, зарур муҳандислик коммуникациялари ва сервис хизматларини ташкил этишнинг дастлабки режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун куйидагиларни тавсия этамиз:

эркин индустрисал-иқтисодий зонанинг Бош режасини ва зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлашни кўриб чиқиш;

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зона тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида тегишли давлат органи томонидан қарор қабул қилиш;

Самарқанд вилоятидаги эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тезкор бошқариш ва давлат томонидан тартибга солиш вазифаларини амалга ошириш учун ЭИИЗнинг Маъмурий кенгашини ташкил этиш;

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятини тартибга солувчи норматив-юридик хужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлаш;

"Самарқанд" эркин индустриал-иқтисодий зона Маъмурий кенгashi Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда танлов асосида, ЭИИЗ дирекцияси сифатида халқаро эътироф этилган бошқарувчи компанияни танлаш ва унга шартнома асосида ЭИИЗни бошқариш;

хизматлар қўрсатишдан олинган даромадлар ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда унинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ерлар, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми ҳисобига шакллантириладиган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг мустақил бюджетини шакллантириш;

мустақил бюджет доирасида, маблағлари инфратузилмани ривожлантиришга ва эркин индустриал-иқтисодий зонанинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтириладиган Эркин индустриал-иқтисодий зонани ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, зарурат бўлганда, Инвестиция дастурларини шакллантиришда ЭИИЗни ривожлантиришнинг тасдиқланган Бош режасига ва тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ишлаб чиқариш

инфратузилмасини барпо этишга маблағларни ажратиш масалаларини ҳал  
қилиш ҳуқуқи берилиши лозим.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛФЛАР**

Самарқанд вилоятида қулай тадбиркорлик мұхитини янада яхшилаш йўлларига қаратилған муаммоларни тадқиқ қилиб қуидаги хуросаларга келинди ва бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Қулай тадбиркорлик мұхитини янада яхшилаш йўлларига қаратилған масалалар мамлакатимиз олимлари томонидан кам ўрганилган. Натижада унинг кўпгина назарий ва амалий муаммолари ўз ечимини топмасдан қолиб кетмоқда.

2. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қатор тажрибалар тўпланди. Аммо амалиётда бу имкониятлардан тўлалигича фойдаланила олинмаётганлиги ҳам асосланди. Ишда улардан самарали фойдаланиш юзасидан бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларга:

- солиқ юкининг енгиллаштирилганлиги;
- рухсат бериш тартибининг қисқартирилганлиги ва соддалаштирилганлиги;
- иш фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш борасида кўплаб меъёрий хужжатларнинг қабул қилинганлиги;
- кичик тадбиркорлик субъектларига киритишга асос бўладиган умумий мезонлар белгиланганлиги (ходимлар сони, низом жамғармасининг миқдори, активлар миқдори, айланма маблағлар ҳажми, фойда, даромад ва ҳ.к.);
- табиий монополия соҳаларига кичик бизнес вакилларининг кириши учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги;
- юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар сотиб олиш учун тегишли шароитларнинг яратилганлиги;
- бўш турган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун кенг имкониятларнинг мавжудлиги;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак берилиши;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун зарур инфратузилмаларнинг яратилиши;
- монопол маҳсулот ва хизматлар харажатларининг камайтирилиши;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи бирлашмалар, Кенгаш ва бошқа ташкилотлар фаолият қўрсатаётганлиги, йирик ташкилот ва бирлашмалар, акционерлик жамиятлари ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликлардан ёрдамини аямаслиги каби тартибларни киритиш мумкин.

3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ролининг катталиги асосланди. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланиш жараёни 4 босқичдан иборат эканлиги асосланди.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини баҳолаш мезонлари, қўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари тавсия этилди.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар, уларнинг таснифи ва баҳолаш йўллари ишлаб чиқилди.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг объектив зуурлиги ва аҳамияти очиб берилди. Бунда Қарши шаҳри имкониятларини ишга солишнинг йўналишлари асосланди.

7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилди. Буларга:

- вилоят аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшashi ҳамда вилоятнинг республика қишлоқ хўжалигидаги ўрнини инобатга олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган мини цехлар ташкил этиш;

- бевосита тадбиркорлик учун ўз маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдо орқали сотиш жараёнини такомиллаштириш учун рационал логистика тизимини жорий қилиш;
- амалдаги солиқларни оптималлаштириш, имтиёзлар белгилаш, хусусан, шаҳар ва қишлоқларнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг табақалаган миқдорларини белгилаш;
- тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга имкон яратиш мақсадида уларга узлуксиз электр энергияси ва сув таъминоти масалаларини маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли тарзда ҳал қилишга кўмаклашиш;
- маҳаллий хом-ашё ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, саноат ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд бўлган туманларда чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари доирасида қўшма корхоналар ташкил этиш;
- шаҳар ва қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг турли хил тарихий ва анъанавий турларини ривожлантириш ва мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланиш асосида рақобатбардош хизматлар кўрсатишини жадаллаштириш;
- республика аҳолисининг 47 фоизини ёшлар ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда улар талаби ва эҳтиёжларига мос келадиган хизмат турларини (компьютер, интернет, фото ва гўзаллик салонларини, сартарош-хона ва бошқаларни) кенгайтиришга ҳукумат даражасида эътибор қаратиш;
- тадбиркорларга қонун йўли билан белгиланган кафолат ва имтиёзларни тушунтириш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш учун жойларда учрашувлар, ўқув семинарлари, малака ошириш курсларини ташкил қилиш кабиларни киритиш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., “Ўзбекистон”, 2016 й.
  2. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”. 2000 йил 25 май.
  3. “Хусусий корхоналар тўғрисида” 2003 йил 11 декабрь.
  4. “Тадбиркорлик субъектларини иқтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. 2007 йил 14 декабрь.
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2014 йил.
2. “Кафолатлар ва хорижий инвесторлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни 1998 йил 30 апрел.
  3. Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси.
  4. «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Қарори, 27 декабр, 2011 йил, №ПП-1668.
  5. «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, 21 ноябр, 2012 йил, №ПП-1855.
  6. «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Қарори, 18 ноябр, 2013 йил, №ПП-2069.
  7. «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Инвестиция дастури тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Қарори, 17 ноябр, 2014 йил, №ПП-2264.
  8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мироновичнинг Олий Мажлис Сенатига мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр.
  9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мироновичнинг Олий Мажлис Сенатига мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр.
  10. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. *Халқ сўзи газетаси*, 13 декабр. 2017 йил.
  11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мироновичнинг 2016 йил якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган маърузаси. 2017 йил 15 январ халқ сўзи газетаси 22 сон.

12. А.Узоқов, Э.Носиров, Р.Саидов, М.Султанов. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2006. й
13. А.С.Жураев, Д.Й.Хўжамқулов, Б.С.Маматов. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма -Т.: Шарқ. 2003. й
14. Ш.Эргашева, А.Узоқов. Инвестсияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: «Иқтисод-молия», 2008. й
14. А.Узоқов, Н.Кенжаэв. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. -Т: 2007. Н.Ф.Каримов. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. - Т.: Фан ва технология, 2007. й
15. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги “Йеркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 196-сонли қарори билан “Ургут” ЭИЗнинг Низоми.
16. Д.А. Йендиновицкий, В.А. Бабушкин, Н.А. Батурина и др. Анализ инвестиционной привлекательности организации: научное издание/ М.: КНОРУС, 2010.г
17. Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. -М.: Финансы и статистика, 2007. г
18. Беренс В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций: Пер. с англ. перераб. и дополн. Изд. - М.: АЗОТ «Интересpert», «ИНФРА-М», 1995. г
19. Катасонов В. Ю., Морозов Д. С, Петров М.В. Под общей редакцией Катасонова В.Ю. Проектное финансирование: Мировой опыт и перспективы для России. -М.: "Анкил", 2001. г
20. Просветов Г.И. ИНВЕСТИЦИИ: задачи и решения: Учебнопрактическое пособие. -М.:«Алфа-Пресс», 2008. Г.
21. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Fan”, 2005. – 288 б.
22. Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. (1-қисм) – “Меҳнат”, 2000. – 352 б.
23. Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – “Меҳнат”, 1997. – 230 б.
24. Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф. В.Е.Рыбалкина. Учебник. – М.: Международные отношения, 1999. – 304 с.
25. Абдуллаев А., Муфтайдинов К., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. – “Молия”, 2003. – 191 б.

26. Абдуллаев А., Сотволдиев А., Ўринбоев И, Абдуллаев С. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. – Т: “Фан ва технология”, 2005. - 243 б.
27. Брагин Л.А. и др. Торговое дело : экономика и организация. – М.: ИНФРА – М, 1997. – 256 с.
28. Жалолов Ж.Ж. ва б. Хорижий мамлакатлар бозор иқтисодиёти моделлари. – Т.: ТДИУ, 1994. – 184 б.
29. Истроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари. (Услубий тавсия). – Самарқанд. СВТИЧТП, 2004.- 38 бет.
30. Раззоков А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: “Молия”, 2002. – 492 б.
31. Раицкий К.А. Экономика предприятии. Учебник.- М.: ИВЦ “Маркетинг”. 2003. - 683 с.
32. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2012.-365 б.
33. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Рисола. – Т.: “Молия”, 2009.- 32 б.
34. Султонов Ш.А. Истиқлол ва тадбиркорлик. Рисола. – Т.: “Молия”, 2009.- 24 б.
35. Султонов Ш.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таснифи. // Сервис. – Самарқанд, 2010. № 1. – Б. 49-55.
36. Абдукаримов Б.А., Султонов Ш.А. Самарқанд вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳолатининг тадқиқоти ва унинг ривожланиши йўналишлари. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида иқтисодиётни ривожлантириш ва сервисни такомиллаштиришнинг назарий ва методологик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани Самарқанд, СамИСИ 2005, - Б. 82-84.
37. Султонов Ш.А. Некоторые проблемы совершенствования государственной поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане // Двадцать четвертые международные Плехановские чтения / Тезисы докладов, Москва - 2011. – С. 420.
38. Султонов Ш.А., Раҳматов А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётни ривожлантиридаги роли. // Самарқанд, 2019 йил 22-23 февраль.
39. Султонов Ш.А., Раҳматов А. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватланишини такомиллаштириш. // Самарқанд, 2019 йил 19 апрель. 46 бет.

## **Интернет ва статистика маълумотлари**

1. <http://www.stat.uz>
2. <http://www.ecsocmen.edu.uz>
3. [http://www.worldbank.org.](http://www.worldbank.org)
4. <http://www.region.uz>
5. <http://www.lex.uz>
6. [http://www.Darvoza.uz.](http://www.Darvoza.uz)
7. [http://www.Review.uz.](http://www.Review.uz)
8. [http://www.Trade sivilization in USA.](http://www.Trade sivilization in USA)